



Яхшиликнинг мукофоти – яхшиликдир!



Инсонийликнинг асл зийнати бошқаларга беғараз, чин кўнгилдан ёрдам қўлини узатганимизда очиларкан. Бутун дунё биладиган, буюк кашфиётлар қилган, бир олам илм яратган олим Ньютоннинг “ҳаётнинг асл маъносини бошқаларга ёрдам беришдан топдим”, деган иқрорида қанчалар муқаррам ҳақиқат бор.

1

ФРАКЦИЯ МУҲОКАМАСИ

ИЖТИМОИЙ ХИЗМАТЛАР ИНСОН УЧУН

ПАРЛАМЕНТ ҚҲҲИ ПАЛАТАСИДАГИ ЎЗХДП ФРАКЦИЯСИ
ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ МИЛЛИЙ АГЕНТЛИГИ БИЛАН ИЗЧИЛ
ҲАМКОРЛИКНИ ЙЎЛГА ҚЎЙМОҚДА

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш соҳасидаги ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш бўйича ваколатли давлат органи ташкил қилинган ҳаётини натижаларини кўрсата бошлади. Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги қисқа вақтда ижтимоий ҳимоя ва қўллаб-қувватлаш тизимини маҳаллаларга манзилли жорий этиш бўйича самарали фаолият олиб бормоқда.

“Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари одамларнинг оғрини енгил, ўзогини яқин қилмоқда, эҳтиёжманд кишиларга ёрдам берадиган манзил сифатида эл оғзига тушмоқда. Электорат манфаатларидан келиб чиқиб, дастурий мақсадларга эришиш мақсадида Ўзбекистон Халқ демократик партияси агентлик билан яқиндан ҳамкорликни йўлга қўймоқда.

2

САҲИФАДА

ХДП ФАОЛЛАРИ - ҲУДУДЛАРДА

ЮЗМА-ЮЗ МУЛОҚОТЛАР

Камбағалликка қарши курашиш, ижтимоий инклюзивликни ошириш ва тенгсизликни камайтириш орқали инсонлар ҳаётини яхшилаш, ҳар бир фуқаронинг кафолатланган тиббий ёрдамга бўлган ҳуқуқларини рўёбга чиқариш, таълимнинг барча шаклларида ҳамхўрлик қилишга оид давлат мажбуриятлари янги тахрирдаги Асосий Қонунимизда белгиланган бўлиб қўйилган. Албатта, мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий сиёсат бу мажбуриятларнинг амалий тасдиғини топиши, ҳар бир инсоннинг давлат эътибори ва ҳамхўрлигидан четда қолмаслигини кафолатлашга хизмат қилмоқда. Лекин тизимли ислохотлар ҳамма жойда ва бир хил даражада самарадорлик касб этипти, дея узил-кесил хулоса билдириш айни чоғда, юмшоқроқ айтганда, шошма-шошарлик бўлиши тайин.



СИЁСИЙ ПУЛЬС: МУНОСАБАТ

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ СТРАТЕГИК ЙЎЛИ

Кичик бизнес ўзгарувчан бозор талабларига тез мослаша олиши, янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли даромадларини шакллантириш орқали ижтимоий тенгсизликни юмшатиш имкониятларига эгаллиги билан аҳамиятлидир. Мулкчиликнинг ушбу шакли жадал ривожланса, макроиқтисодий беқарорлик, ишсизлик каби муаммолар барҳам топиб, халқимиз турмуш даражаси юксалиши муқаррар.

Янги Ўзбекистон бизнесни юритишга доир халқаро рейтингларда ўз ўрнини мустаҳкамлаб келаётгани юртимизда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, турли бюрократик тўсиқларни бартараф этиб, шаффофликни таъминлаш, аҳолини хусусий тадбиркорликка кенг жалб қилишга қаратилган тизимли ислохотларнинг амалий натижаси, десак янглишмаймиз. Айниқса, хусусий секторда бизнес сезиларли барқарорлик ва ўсиш динамикасини намойиш этаётгани қувонарли.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ: ЯНГИ ЎЗГАРИШЛАР ДАВРИ

Мамлакатимизнинг энг бебаҳо стратегик ресурси – бу ёшлар. Бугун барча жаҳада кечаётган ўзгаришлар, ислохотлардан қутилиётган натижалар, тақдиримиз, келажагимиз, сўзсиз, уларнинг қўлида. Бинобарин, ёшларга оид давлат сиёсати Янги Ўзбекистонда мазмун-моҳияти ва қамрови жиҳатидан бутунлай янги босқичга чиқаётгани бежиз эмас.



Жорий йилнинг 22 январь куни давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев олий таълим, илм-фан ва технологиялар соҳасидаги устувор вазифалар ижроси ҳамда истиқболли лойиҳалар тақдими билан яқиндан танишди. Таъкидланганидек, мамлакатимиз тараққиётининг таянчи сифатида бу соҳа ривожига катта эътибор қаратилмоқда. Янги олийгоҳлар очилиб, қамров анча кенгайди. Таълим жараёнлари сифат жиҳатидан яхшиланмоқда. Олий ўқув юртларида илмий салоҳият 41 фоиздан 45 фоизга ошгани ҳам диққатга молик. Шу сингари залворли ютуқлар баробарида соҳада аксарият илмий-тадқиқотлар саноат ва ишлаб чиқаришдаги замонавий тенденцияларни қамраб олмаётганини ҳам инкор қилолмаймиз.

Демак, ҳали олдинда қилинадиган ишлар кўп. Замонавий меҳнат бозорига рақобатдош кадрларни етказиб бериш, мамлакатнинг илмий даражасини юксак поғонага чиқариш ҳар қачонгидан долзарб бўлиб турибди.

ТЕХНОЛОГИК ИНҚИЛОБ

Ҳозирда мамлакатимизда илғор муҳандислик мактаблари ва технопарклар институционал тартибда ташкил этилмоқда. Бу муассасалар ёшларга нафақат замонавий билим ва касбий кўникмалар бериш, балки уларнинг яратувчанлик ва инновацион фикрлаш қобилиятини ривожлантирмоқда. Муҳандислик соҳасида кадрлар тайёрлашни жадаллаштириш мақсадида республикаимизда 2024 йилда 8 та олийгоҳда Илғор муҳандислар мактаблари ўз фаолиятини бошлаган бўлса, жорий йилда саноат экологияси, архитектура-қурилиш, энергетика муҳандислиги ва рақамли саноат, автомобилсозлик саноати йўналишларида яна 14 та ана шундай мактаблар ташкил этилади. Бундан ташқари, хорижий олийгоҳлар филиалларида кимё муҳандислиги ва машинасозлиги, сунъий интеллект ҳамда металлургия ва кончилик иши йўналишида 3 та муҳандислик мактаби очилиши кутулапти.

3

СИЁСИЙ ПУЛЬС: МУНОСАБАТ

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ СТРАТЕГИК ЙЎЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Маълумотларга кўра, мамлакатимизда 2025 йилнинг 1 январь ҳолатига рўйхатдан ўтган кичик тадбиркорлик субъектлари сони 651 минг 807 тани ташкил этган. 2021 йилда бу рақам 436 минг 981 та бўлган. Жорий йилнинг дастлабки икки ойида республика бўйича яна жами 12 минг 732 та кичик бизнес субъекти рўйхатга олинган. Мана шу статистиканинг ўзиёқ юртимизда ўрта мулкдорлар сафи изчил кенгайиб бораётганидан далолат беради. Ва эндиликда айна суръат янада жадал тус олишига ишончимиз комил. Зеро, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Янги Ўзбекистоннинг истикболли стратегик йўлидир. Бу ҳақида Президент Шавкат Мирзиёев шу йилнинг 19 март куни кичик ва ўрта бизнес вакиллари билан ўтказилган учрашувда алоҳида таъкидлаб ўтди.

55 ФОИЗЛИК МАРРА

Учрашувда қайд этилганидек, мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнес иш ўринларини яратиш, инвестиция, инновация, рақобат, қўшилган қиймат ва экспортни кўпайтиришга энг катта туртки бераётган йўналишга айланди. Сўнгги беш йилда бу йўналишда тадбиркорлар сони икки қара кўпайди. Уларда 10 миллион 500 минг одам – жами банд аҳолининг 74 фоизи даромад топиб, рўзгор тебратяпти. Иқтисодиёт ҳажмининг ярмидан кўпи, саноат ва экспортнинг учдан бири шу соҳа ҳиссасига тўғри келяпти. Ушбу далиллар давлатимиз иқтисодиётини тараққий эттиришда кичик ва ўрта бизнес вакилларининг улуши ҳамда иштироки қанчалар ҳал қилувчи роль ўйнашини кўрсатади.

Тадбирда соҳа ривожига йўналтирилган устувор вазифалар санаб ўтилди. Жорий йилда кичик ва ўрта бизнеснинг иқтисодиётдаги улушини 55 фоизга кўтариб, 70 миллиард долларлик қўшилган қиймат яратиш, янги бозорларга кириб боришда транспорт, сертификат ва стандартига кўмаклашиб, кичик бизнес экспортини ўтган йилги 9 миллиарддан 12 миллиард долларга, соҳада банд аҳоли улушини 75 фоизга етказиш шулар жумласидандир. Бундан ташқари, юз нафардан кўп ишчиси бор корхоналарни 4 мингтага олиб чиқиш, кичик бизнес иштирокида 200 та стартап лойиҳаларни молиялаштириш каби аниқ мақсадлар қўйилмоқда. Ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш тармоқларидаги анъанавий фаолиятдан ташқари ичимлик суви, канализация, йўл, қурилиш, коммунал хўжалик, етказиб бериш, утилизация, миграция, маданият ва ижтимоий хизматларда ҳам кичик бизнес улушини 2-3 қара ошириш кутилмоқда. Бундай мақсад ва вазифалар учун 2025 йилда барча манбалар ҳисобидан 10 миллиард доллар йўналтириляпти.



Ойбек МАМАТҚУЛОВ,
халқ депутатлари Жиззах вилоят
Кенгаши депутати:

– Аҳолини, хусусан, ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтож қатламлар – аёлларни, ёшларни ишсизликдан ҳимоя қилиш, ҳудудларда камбағалликни қисқартириш, айрим сабабларга кўра ишсиз бўлганларни меҳнат бозорига талабгир касб-хуналарга ўқитиш чора-тадбирлари аллақачон ўзининг амалий натижасини бермоқда. Бу жараёнда ишбилармонлик лаёқатига эга, шижоатли опа-сингилларимизни, йигит-қизларимизни хусусий тадбиркорликка жалб қилиш қамрови ҳам кенгайиб бормоқдаки, бугун юртимизнинг қай манзилига, қай маҳалласига борманг, кичик бизнес лойиҳаларини амалга ошириб, нафақат рўзгорини бутлаган, балки ўнлаб иш ўринларини очиб, маҳалладошлари учун муқим даромад манбаини яратган, тадбиркорлигини кенгайтиришга аҳд қилган ғайратли аёлларимизни, ёшларимизни учратасиз.

Давлатимиз раҳбари кичик ва ўрта бизнес вакиллари билан учрашувда аҳоли ўртасида тадбиркорликни янада ривожлантириш учун 22 триллион сўмлик имтиёзли ресурс ажратилиб, шунинг 2,5 триллион сўми ёшларга, яна шунчаси аёллар тадбиркорлиги лойиҳалари учун йўналтирилишини айтиб ўтди. Эътиборлиси, аёл тадбиркорларга бизнес лойиҳаларини рўёбга чиқариш учун молиявий кўмак тури – кредит ставкаси бошқаларга нисбатан 2 фоиз арзон бўлади. Бу бизнесга қадам қўйган, оила ва фарзандлар тарбиясидан ортиб, жамиятга, мамлакат иқтисодиётига наф келтириш ниятида бўлган опа-сингилларимиз учун катта мададдир.

Дарҳақиқат, юртимиз тадбиркорлари сафида аёлларнинг улуши ошиб бормоқда. Бундай ижобий кўрсаткич хотин-қизларда фаоллик, ташаббускорлик, молиявий мустақилликка эришишга интилиш ҳисси ортаётганини исботлайди. Давлатимиз томонидан уларга ҳар тарафлама шарт-шароитлар яратилаётгани, муайян имтиёз ва имкониятлар тақдим қилинаётгани айна мударо бўлмоқда.

Сал аввалроқ, яъни, шу йилнинг 14 март куни Президентимиз “Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари

тўғрисида”ги қарорни имзолаган, унга кўра, 1 майдан ижобий кредит тарихига эга опа-сингилларимизга 100 млн сўмгача гаровсиз кредит ажратилиши, 250 минг нафар хотин-қизларни касб-хунар ва тадбиркорликка ўқитиш белгилаб қўйилди. Ушбу ҳужжатда “Ҳамроҳ” тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш дастури доирасида қатор мақсадли вазифалар кўзда тутилганки, ўз бизнесини ташкил этмоқчи бўлган хотин-қизларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантиришдан тортиб, маҳсулотларини ички ва ташқи бозорда сотиши учун кўмаклашишгача бўлган узвий жараён қамраб олинган.

Демоқчиманки, аёлларимиз, қолаверса, мустақил ҳаётга қадам қўйиб, ишбилармонлик салоҳиятини кўрсатишга бел боғлаган ёшларимиз кичик ва ўрта бизнесда мустаҳкам ўрин топиши учун узокни кўзлаган ҳолда истикболли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу вазифалар эса партиямиз мақсад ва ғояларига уйғун, ҳамоҳанг эканини яна бир бор эслатиб ўтиш ўринли, албатта.



Муҳаммад МИРЗАЕВ,
халқ депутатлари Марғилон
шаҳар Кенгаши депутати:

–Кичик ва ўрта бизнес вакиллари билан мулоқотда Президентимиз соҳа ривожини янги босқичга кўтариш учун жорий этиладиган қатор янгиликларга тўхталиб ўтди. Масалан, оилавий тадбиркорлик учун 50 миллион сўмгача гаровсиз кредит бериш йўлга қўйилиши, кичик бизнесга 300 миллион сўмгача кредит ажратилиши бу соҳада фаолиятини бошлаган ҳамюртларимиз учун кенг имкониятлар эшигини очди.

Таъкидланганидек, янги тадбиркорлар “оёққа туриб олиши” учун фаолиятининг биринчи йили муҳим. Шу боис уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида “биринчи имконият” тамойили жорий этилади. Яъни, илк бор маъмурий ҳуқуқбузарлик қилган тадбиркор жавобгарликдан озод қилиниб, камчиликни бартараф этиш учун имкон берилади.

Ҳозирда фаолиятни тугатиш учун барча тоифадаги тадбиркорларга бир хил талаб

белгиланган. Энди бу жараён ҳам соддалашади. Охириги уч йиллик айланмаси 10 миллиард сўмдан ошмаган, солиқдан қарзи бўлмаган корхонани ихтиёрий тугатишда текширув ўтказилмайдиган бўлди.

Маълумки, юртимизда 2028 йил 1 январга қадар қўшимча қиймат солиғи ва фойда солиғи ставкаси оширилмаслиги белгиланган. Энди кичик ва ўрта бизнесга қўшимча талаб ва мажбурият юклайдиган меъёрий ҳужжатлар қабул қилишга ҳам уч йиллик мораторий эълон қилингани, моҳиятан олиб қараганда, соҳа вакиллари учун тадбиркорлик фаолияти эркинлигини кафолатлайди.

Фермерлар орасида солиқдан қарзини вақтида тўлай олмгани учун шу пайтгача йиғилиб қолган 1 триллион сўмлик пеняни ундиришдан воз кечилгани – бу табиат инжиқликларига басма-бас келиб, ердан эл ризкин ундириш машаққати билан меҳнат қилаётган деҳқонларимиз учун яхшигина енгилликдир.

Асосийси, юртимизда тадбиркорлик субъектлари ҳамиша қонун ва давлат ҳимоясида эканига урғу берилди. Жойларда ҳокимлар ер танлашда, энг аввало, ишини йўлга қўйиб, ривожланиш истагида юрган тадбиркорлар сўраган жойларни аукционга чиқариши зарурлиги кўрсатиб ўтилди. Шунингдек, бу йилнинг ўзида Қўнғирот, Чимбой, Асака, Ёғдзудовон, Ғаллаорол, Яккабоғ, Хатирчи, Чортқот, Булунғур, Сирдарё, Денов, Қува, Шовот туманлари ҳамда Янгийўл ва Марғилон шаҳарларида барча давлат идоралари битта кўп қаватли бинога кўчирилиши, натижада бўшайдиган 150 та бино аукционда тадбиркорларга тақлиф қилинишини соҳа вакилларини комплекс қўллаб-қувватлашга қаратилган ҳақчил ёндашув, десак янглишмаймиз. Бундай ёндашувни қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам кузатиш мумкин. Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Тошкент ва водий вилоятларида 5 минг гектардан зиёд ер янгича тартибда ижарага берилмоқда. У ерда тадбиркорлар ўзи хоҳлаган экинни экиб, бир қисмига сақлаш, саралаш, қадоқлаш қувватлари қуриш имкониятга эга бўлади.

Ишлаб чиқариш йўналишида бизнес қилиш доимо жозибадор. Лекин ҳамма ҳам ишни нимадан бошлашни, технология ва мутахассисларни қандай олиб келишни билмайди. Шу нуқтаи назардан республикаимизда 20 та туманда кичик ва ўрта саноат корхоналарини ривожлантириш бўйича лойиҳа офислари очилиши, уларга хорижий муҳандис, технолог, дизайнер, бухгалтер ва маркетинглар жалб қилиниши кўпчиликнинг кўнглидаги гап бўлди. Ҳозир бутун дунёда шиддат билан ривожланаётган сунъий интеллект, рақамли ва яшил технологиялар, креатив хизматлар соҳасидаги лойиҳалар учун ҳам қулай шароит яратиб берилиши кичик бизнеснинг замон билан ҳамнафас бўлиб, янги бозорларга кириш, жаҳон брендларини яратиш, илғор стартапларни юзага чиқаришига кўмаклашади.

Президентимиз кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш бундан кейин ҳам давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолишини, янгиллик қилишдан чарчамайдиган тадбиркорларга доимо энг яқин кўмакчи, таянч ва суянч бўлишини айтиди.

Янги Ўзбекистоннинг бизнес салоҳиятини юксалтиришда яна бир муҳим қадам қўйилмоқда. Бу жараёнда биз, депутатлар соҳа вакилларига елкадош бўлиб, уларга яратиб берилаётган имкониятлардан тўлақонли фойдаланишларида кўмакчи бўламиз.

Фарида МАҲКАМОВА,
“Ўзбекистон овози” муҳбири.

ФРАКЦИЯ МУҲОКАМАСИ

ИЖТИМОИЙ ХИЗМАТЛАР ИНСОН УЧУН

ПАРЛАМЕНТ ҚҲЙИ ПАЛАТАСИДАГИ ЎзХДП ФРАКЦИЯСИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ МИЛЛИЙ АГЕНТЛИГИ БИЛАН ИЗЧИЛ ҲАМКОРЛИКНИ ЙЎЛГА ҚЎЙМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси ҳамда партия Марказий Кенгаши ходимларидан иборат ишчи гуруҳ жойларда “Инсон” марказлари томонидан ногиронлиги бўлган шахсларга ижтимоий хизматлар кўрсатилиши билан боғлиқ масалаларни ўрганди. Таҳлиллар бу борада қатор ютуқлар билан бир қаторда жойларда ечимини кутаётган айрим масалалар ҳам борлигини кўрсатди. Жорий ҳафта бошида қуйи палатадаги фракция аъзолари Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги масъуллари билан ўрганиш натижаларини муҳокама қилди. Ўзаро ҳамкорликни изчил йўлга қўйиш, муаммоларни биргаликда ҳал қилиш ҳақида фикр-мулоҳаза ва тақлифлар билдирилди.

Анвархон ТЕМИРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасидаги Ўзбекистон ХДП
фракцияси аъзоси:

— Бугунги кунда хусусий секторни қўллаб-қувватлаш борасида қатор янгиликлар жорий қилин-

моқда. Айниқса, трикотаж, тўқув, йнгирув фабрикаларига 2028 йил 1 январга қадар маълум бир солиқ имтиёзлари берилляпти. Буни ногиронлиги бўлган шахслар учун интеграция қилиш масаласи кўриб чиқилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги масъулларининг билдиришича, агентлик томонидан ишлаб чиқилган лойиҳада камбағаллик реестрида турмаган бўлса ҳам, ногиронлиги бўлган шахсларни иш билан таъминлаган тадбиркорларга имтиёзлар бериш тақлиф этилган.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси Қизилгул Қосимова “Саховат” ва “Мурувват” уйларидаги ногиронлиги бўлган шахсларга қаровчи ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш масаласидаги ўзгаришлар, режалар ҳақида сўради.

Ушбу саволга агентликнинг бошқарма бошлиғи ўринбосари Саҳобиддин Давронов жавоб берди. Унга кўра, “Мурувват” уйлари ҳамда Ижтимоий қўллаб-қувватлаш марказларида ногиронлиги бўлган шахсларга қаровчи ходимлар асосан шифокорлар, ҳамширалар

ва санитаркалар ҳисобланади. Ўртача ойлик иш ҳақи «Мурувват» уйларида 6 200 000 сўмдан 7 500 000 сўмгача экани таъкидланди. Ижтимоий қўллаб-қувватлаш марказларида эса 5 750 000 сўмдан 7 000 000 сўмгача экани билдирилди.

Депутатлар ногиронлиги бўлган шахсларни касбга ўқитиш бўйича туман, шаҳарларда касб-хунар мактаблари ва умумтаълим мактабларида ўқув курслари, назарий дарслар ташкил этилганини, бу борада юқори натижаларга эришиш мумкинлигини таъкидлади.

Қайд этилишича, агентлик бу масалага алоҳида эътибор қаратган. Тошкент шаҳрида “International inclusive hub” халқаро таянч инклюзив профессионал таълим маркази фаолияти йўлга қўйилган. У ерда ногиронлиги бўлган шахсларни касбга ўқитиш бўйича туман, шаҳарларда таълим олаётган 136 нафар ногиронлиги бўлган ўқувчи дарсдан ташқарида 16 та касбга йўналтирилган курсларга жалб қилинган. Улардан 59 нафари ушбу курсларни муваффақиятли тугатиб, тегишли касб-хунар бўйича диплом эгаси бўлишган.

Болаларни касбга ва кичик биз-

несга ўргатишни янада кенгайтириш мақсадида халқаро ЮНИСЕФ ташкилоти билан ҳамкорликда UPSHIFT дастури ишга туширилиб, энг яхши “стартап” ғояларига ЮНИСЕФ томонидан бизнес ғояларини амалга ошириш учун грантлар берилишига қилишилган.

Агентлик тизимида 17 та кўзи ожиз болалар учун “Нурли маскан” ихтисослаштирилган мактаб-интернатларида ўқиётган 3 487 нафар ўқувчи-қиз касб эгаллашга қўмаклашиш чоралари кўрилмоқда. Уларни ижтимоий ҳаётга тайёрлаб бориш, бўш вақтини мазмунли ташкил этиш мақсадида мактаб-интернатлар қошида 10 та йўналиш бўйича ташкил этилган 29 та ўқув устахоналарида 543 нафар ўқувчи мунтазам дарс машғулотларига қатнайдди. Имкониятларидан келиб чиқиб, ёғоч ўймакорлиги, дурадгорлик, пойабзал ишлаб чиқариш ва тикувчилик, нақш, пазандачилик ва тўқувчилик каби ўқув устахоналари ташкил этилган. Масалан, Самарқанд шаҳридаги 60-сон “Нурли маскан” мактаб-интернатига яқка тартибдаги тадбиркор билан шартнома тузилиб, 22 на-

фар болага мебелсозлик сирларини ўргатиш йўлга қўйилган.

Фракция аъзолари ўрганишлар давомида аниқланган бошқа масалаларга ҳам эътибор қаратди. Хусусан, болаликдан оғир тоифадаги ногиронлиги бўлган болаларнинг қаровчиларида ҳиссий ва жисмоний чарчаш оқибатида психик муаммолар вужудга келмоқда. Шундай инсонларга имтиёзли тарзда Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги тасарруфидаги санаторийларга бориш имкониятини яратиш масаласини ўйлаб қўриш ҳақида тақлиф билдирилди. Бу бўйича сайловчилардан мурожаатлар ҳам бўлиб тургани қайд этилди.

Шунингдек, ногиронлиги бўлган болалар учун ташкил этилган инклюзив синфлардаги шароитлар, адаптив спорт тури билан мунтазам шуғулланиш учун имкониятлар яратиш масалалари ҳақида ҳам фикр-мулоҳазалар, тақлифлар билдирилди.

Келгуси режалар хусусида маълумот берибди. Ўзбекистон ХДП фракцияси ҳамда агентлик ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириб бориш муҳимлиги қайд этилди.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
Ўзбекистон ХДП
Марказий Кенгаши
бошқарма бошлиғи.

ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ – АМАЛДА



Кўнғиротбой ШАРИПОВ,
Олий таълим, фан ва
инновациялар вазири.

(Давоми. Боши 1-бетда)

Илғор муҳандислик мактабларида энергетика, биотиббӣёт, экологик, транспорт, ахборот технологиялари, қурилиш ва архитектура муҳандислиги каби кўплаб соҳаларда етук мутахассислар тайёрланади. Мақсад талабаларга замонавий муаммоларни ечиш учун инновацион ёндашувлардан фойдаланиш кўникмаларини синдиришдан иборат. Масалан, талабалар қайта тикланувчи энергия манбаларидан самарали фойдаланиш, экологик тоза технологияларни ривожлантириш, сунъий интеллект орқали инсон ҳаётини энгиллаштирадиган дастурларни яратиш ёки транспорт тизимларини автоматлаштириш каби замонавий масалалар ечимида бевосита иштирок этадилар.

Бундан ташқари, илғор муҳандислик мактаблари талабаларга тадқиқотлар ўтказиш, стартаплар яратиш, янги ускуналар ва қурилмаларни ихтиро қилиш имкониятларини тақдим этади. Бундай ёндашув инновациялар асосида миллий иқтисодиётни янада ривожлантириш учун замин яратади.

Дарҳақиқат, олий таълимдаги амалий жараёнлар жаҳон фан ва технологиялари билан уйғунлашиб бормоқда. Хорижий университетлар, тадқиқот марказлари ва саноат корхоналари билан муваффақиятли ҳамкорлик орқали миллий таълим тизими-га самарадор халқаро тажрибалар изчил жорий этилмоқда. Бу эса нафақат илмий, балки глобал миқёсда ҳам талаб юқори бўлган салоҳиятли мутахассисларни тайёрлаш саъй-ҳаракатларининг амалий тасдиғидир.

ЖАМИЯТ МАНФААТЛАРИГА
УЙГУН ҲОЛДА



Янги Ўзбекистон тараққиётида таълим, фан ва технологиялар соҳасидаги ислохотлар мамлакат келажаги учун интеллектуал ривожланган ва инновацион иқтидорга эга мутахассислар авлодини тарбиялашга қаратилган. Бу борада тизимли ишлар рўёбга чиқарилмоқда. Бирок, ўрганишлар шунини кўрсатадики, техника, қишлоқ хўжалиги, фармацевтика ва геология йўналишларида илмий-тадқиқот ишларига эҳтиёж сезиларли даражада ортган. Шу муносабат билан 2025 йилдан бошлаб мазкур йўналишларда докторантура квоталари оширилиши режалаштирилди.

Тадқиқотларни рағбатлантириш мақсадида жорий йилда муҳандислик йўналишидаги илмий изланишларга 56 миллиард сўм, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва "яшил" иқтисодиёт лойиҳалари учун эса 93 миллиард сўм ажратилади. Бу эса нафақат илмий-тадқиқот ишларининг сифатини, балки уларни иқтисодиётнинг турли соҳаларига амалий татбиқ этиш кўламини ҳам юксалтиради. Қолаверса, олий таълим муассасаларида биттирув малакавий ишлари ва магистрлик диссертацияларини ҳудудлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этиш учун йўналтиришга алоҳида эътибор берилаётгани ёш олимларимизнинг илмий фаолиятини жамият манфаатлари йўлида уйғунлаштиришга хизмат қилади.

Илмий кенгашлар фаолиятини такомиллаштириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири бўлиб, бу бўйича ҳам замон талаблари асосида чора-тадбирлар кўриляпти. Ҳозирда 313 та илмий кенгашнинг фаолияти қучур таҳлил қилинмоқда ва уларнинг самарадорлигини ошириш, инновацион ёндашувларни жорий этиш бўйича аниқ режалар ишлаб чиқилмоқда. Айниқса, муҳандислик йўналишидаги илмий кенгашларнинг фаолиятини кучайтиришга кенг урғу берилаётганини ҳам қайд этиб ўтиш ўринли.

ТАРИХИЙ БУРИЛИШЛАР ЙЎЛИ

Мамлакатимиз улкан индустриал саноат хабиға айланиб бормоқда. Ҳудудларга йўналтирилаётган салмоқли инвестициялар салдоси фикримиз исботи. Назар солсангиз, олий таълим соҳасида ўтган давр ва бугунги кун орасидаги фарқни яққол кўрасиз.

Тан олиш керак, мустақиллиқнинг илк йилларида Ўзбекистон таълим тизими кўплаб муаммоларга дуч келди. Жумладан, олий таълим қамровининг пастлиги, ўқитишнинг эскича ёндашувларга асослангани, инфратузилманинг замонавий талабларга жавоб бермаслиги ва иқтисодий чекловлар соҳа равнақига тўсқинлик қилди. Таълим тизимидаги муаммолар ёшларнинг имкониятларини чеклаш билан бир қаторда, мамлакатнинг умумий ривожланишига ҳам салбий таъсир кўрсатди.

Илгари олийгоҳга битта ўрин учун ўн нафардан ортиқ абитуриент даъвогарлик қилган бўлса, ҳозир университетлар сони уч баробарга кўпайгани туфайли олий таълимга кириш имконияти ошди.

Ёш олимлар ва талабаларимизнинг муваффақиятлари ҳам албатта кишига куч бағишлайди. Бугунги кунда 1,5 мингдан ортиқ йигит-қизларимиз етакчи халқаро университетларда таҳсил олишмоқда. Агар давлат 25 йил давомида 800 нафар ёшни хорижга ўқишга юборган бўлса, охириги 7 йилда «Эл-юрт умиди» жамғармаси орқали 2,3 минг нафар ёшларимиз чет элда таҳсил олди. Илмий даражага эга ёш олимлар сони 4 минг нафардан ошди.

IELTS имтиҳонидан юқори балл олганлар сони беш бараварга кўпайди.

Ҳа, Янги Ўзбекистон даврида олий таълимни модернизация қилиш, халқаро стандартларга мослаштириш ва ёшлар учун ижтимоий-иқтисодий имкониятларни кенгайтиришга қаратилган ислохотлар ўзининг муносиб самарасини кўрсатмоқда. 2019 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача

ривожлантириш концепцияси университетларни халқаро миқёсда тан олинган рейтингларга кири-тиш, давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш ва инновацион ёндашувларни жорий этиш суръатини жадаллаштиряпти. Мазкур стратегик ҳужжат асосида олиб борилган чора-тадбирлар натижасида "Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механи-зациялаш муҳандислари институти" миллий тадқиқот университети ва Ўзбекистон миллий университети дунёнинг ТОП-1000 университетлари қаторидан жой олди.

2020 йилдан бошлаб мамлакатдаги барча олий ўқув юртларида Европа стандартлари асосида кредит-модул тизими жорий этилди. Қўшма таълим дастурлари академик алмашинув орқали талабаларга икки давлат университетлари дипломларини олиш имкониятини яратди.

Тизимда истеъдодли ёшларни кўлаб-қувватлаш учун 2021 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Президенти гранти жорий этилди. Грант бакалавриатга кириш имтиҳонларида энг юқори балл тўплаган 200 нафар абитуриентга тақдим этилади. Бундан ташқари, 2022-2023 ўқув йилидан бошлаб хорижий университетлар ва республикадаги нодавлат универси-тетларда таълим олиш учун мингта грант ажратилди. Шу ўқув йилидан бошлаб, Оила ва хотин-қизлар кўмитаси тавсияси билан иш стажы мавжуд, аммо олий маълумотга эга бўлмаган хотин-қизлар учун қўшимча 2 мингта давлат гранти тақдим қилинди. Бу ёшларнинг таълим олиш ва профессионал ривожланиш истиқболларини кенгайтиришга, шунингдек, сингилларимиз, қизларимиз учун янги истиқбол ва карьера йўлларини очишга хизмат қилмоқда.

Ўтган йилларда олий таълим муассасаларига босқичли равишда академик ва молиявий мустақиллиқнинг берилиши яна бир янги қадам бўлди. Бу ОТМга ўқув режаларини мустақил тасдиқлаш, янги таълим йўналишлари очиш ва академик мобиллиқни амалга ошириш имкониятини берди. Натижада давлат маъмурий бошқаруви сезиларли даражада оптималлаштирилди ва ОТМдаги инновацион жараёнлар тезлашди.

Дарвоқе, илмий-тадқиқотларни тижоратлаштириш, фан, таълим ва инновация-

ларни узвий боғлаш ҳамда таълим сифати ва самарадорлигини ошириш мақсадида "Университет 4.0" моделига ўтиш айна чоғда изчил давом этмоқда.

ТОП-300 УНИВЕРСИТЕТЛАР
ДАСТУРЛАРИ ДАРАЖАСИДА

2024 йилда ўқув дастурларини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш мақсадида республикадаги олий таълим йўналишлари 40 фоизгача мақбуллаштирилди. 2023 йилда 1 минг 200 та таълим дастури дунёдаги ТОП-300 олийгоҳларининг таълим дастурларига мувофиқлаштирилган эди. Ўтган йили эса бу кўла яна кенгай-тирилиб, 2 мингдан ортиқ таълим дастури жаҳон миқёсидаги етакчи олийгоҳлар стандартлари даражасига етказилди.

Таълим йўналишлари сони қисқартирилиши пировардида меҳнат бозоридаги эҳтиёжларга жавоб берадиган кадрлар тайёрлашни янада самаралироқ қилади. Шу билан бирга, глобал рақобат муҳитида ёшларнинг билим даражасини ошириш учун халқаро тажриба ва ресурслардан кенг фойдаланиш имконини беради.

Ҳозирда республикаимизда 183 та бакалаврият таълим йўналиши ва 546 та магистратура мутахассислиги бўйича малака талаблари жорий қилинган. Бунда талабаларнинг амалий компетенциялари ва касбий кўникмаларини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда камида 15 ҳафталик узлуксиз малакавий амалиётлар йўлга қўйилмоқда. Бундан ташқари, 35,6 минг нафар би-тирувчиларнинг диплом иши химоялари бевосита ишлаб чиқариш корхоналарида ташкил этилади.

ОТМ профессор-ўқитувчилари малакасини ошириш ва ўқув жараёнларига хорижий профессорларни жалб қилиш масаласи ҳам жуда муҳим. Шу нуқтаи назардан жорий йилда 5 минг 350 нафар профес-сор-ўқитувчи хорижда малака ошириши кутилмоқда. 3 минг 40 нафар хорижий профессор ва ўқитувчи олий таълим муас-сасаларимизда ўқитишга жалб этилади.

БАРЧАСИ ЁШЛАР УЧУН!

2024–2025 ўқув йилида республика давлат олий таълим муассасаларида жами 1 миллион 167 минг нафардан ортиқ талаба таҳсил олмақда.

Таҳсилларга кўра, ҳозирги тўлов-контракт суммалари битта талабани бир йиллик ўқитиш харажатларининг ўртача 65,5 фоизини қоплайди. Етишмаётган маблағларни тўлдириш учун ОТМ та-бақалаштирилган тўлов-контракт асоси-да тушган маблағлардан фойдаланишни режалаштирмоқда. Шунингдек, техника, маданият, санъат ва қишлоқ хўжалиги йўналишидаги аксарият олийгоҳларда тўлов-контракт харажатларининг бир қисмига давлат бюджети маблағи йўнал-тирилмоқда.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, юрти-миз хотин-қизларининг олий маълумотли бўлиши учун қатор шароитлар яратилиб, улар учун алоҳида квоталар, шунингдек, магистратурада ўқишга сарфланадиган харажатлар давлат томонидан қопланиши йўлга қўйилди. Жорий йилдан бошлаб эса ёшларни кўлаб-қувватлаш мақсадида камбағал оилаларнинг 3,5 минг нафарга яқин фарзандларига қўшимча грант ажра-тилади. Бу грантлар жойларининг имконияти чекланган йигит-қизлар учун ўз орзулари-га етиш йўлида жуда катта мадад бўлади.

Талабаларнинг ижтимоий муҳофазаси-ни кафолатлаш юзасидан ҳам қилинаётган ишлар эътирофга лойиқ. Жумладан, бу-гунги кунда 112 та олийгоҳда жами 364 та талабалар турар жойлари мавжуд бўлиб, уларнинг умумий сиғими 144 минг 458 ўринни ташкил этмоқда. Шу билан бир-га республика миқёсида талабалар турар жойлари инфратузилмасини янада риво-жлантириш мақсадида 2025 йилда 31 минг 382 ўринли 58 та янги турар жой барпо этиш лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Талабалар турар жойларининг замона-вий маиший техникалар билан жиҳозлан-гани, турли йўналишдаги тўғарақларнинг, кутубхоналар, компьютер хоналарининг мавжудлиги ёшларимиз учун яна бир қу-лайликдир.

РАҚАМЛАШТИРИШ ВА
ШАФФОФЛИК

Давлатимиз раҳбари бошчилигида ўт-казилган тақдимотда олий таълимга қабул жараёнини такомиллаштиришга қаратил-ган муҳим ўзгаришлар ҳам муҳокама этил-ди. Жумладан, "аввал тест, кейин танлов"

тамойилига ўтиш ва давлат грантларини талабаларнинг иқтидорига асосланган ҳолда ажратиш тизини жорий этилди. Бу ўзгаришлар истеъдодли ёшларни кўлаб-қувватлашга қаратилган стратегик қадам, десак янглишмаймиз.

Тақдимотда келтирилганидек, молия-вий мустақиллик берилган 40 та олий ўқув юртида "Регистратор офиси" тизи-ми жорий қилинди. Бу тизим деканат ва бошқа маъмурий бўлимларда штатларни 20 фоизга қисқартириб, 30 та хизмат турини рақамлаштириш орқали маъмурий жараёнларни соддалаштирди. Мазкур янгилик талабаларга ҳужжат топшириш, ўқув ишларига оид маълумотларни олиш ва бошқа хизматларни тезкор ва қулай шаклда тақдим этиш имконини бермоқда.

Ушбу электрон тизим университет-лар ўртасида ягона ҳужжат айланишини таъминлаётир.Таълим жараёнлари тўлиқ рақамлаштирилиб, контракт, стипендия тўловлари ва ётоқхона ажратиш жараён-лари электрон тизим орқали амалга оши-рилаётгани нафақат вақтни тежаш, балки молиявий шаффофликни таъминлашда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Шунинг-дек, 1 минг 12 та штат қисқартирилиши натижасида бюджетдан 25,4 миллиард сўм маблағ иқтисод қилинди.

Айни пайтда шундай офисларни барча ОТМда ташкил этиш ва таълим, илм-фан хизматларини қамраб олган ягона рақам-ли тизимни жорий этиш юзасидан зарур амалий ишларга киришилди.

ДУАЛ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ

Бугунги кунда талабаларнинг билим ва кўникмаларини амалиёт билан уйғун-лаштириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Агар ёшлар ишлаб чиқариш жараёнига талабаларнинг амалий компетенциялари, диплом олганидан сўнг ўз ихтисослиги бўйича ишлаб кетолмаслиги мумкин.

Амалиёт билан уйғунлиқни таъминлаш мақсадида дуал таълим тизими жорий қилинди. Ҳозирда 15 мингдан ортиқ та-лаба 957 та корхонада амалиёт ўтамоқда. Аммо корхоналар томонидан бундай ташаббусларга қизиқиш ҳали етарли эмас, бу эса олдимиздаги муаммолар ва устувор вазифаларни англатади. Шу сабабли, дуал таълим жараёнида иштирок этаётган корхона-ларни кўллаб-қувватлаш учун молиявий рағбатлантириш тизимини жорий этиш бў-йича таклифлар ишлаб чиқилмоқда. Ушбу чора-тадбирлар ишлаб чиқариш билан таъ-лим ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириб, талабаларнинг профессионал малакасини оширишга, уларни қўшимча қийматга эга меҳнат бозорига тайёрлашга хизмат қила-ди.

Шунингдек, жорий йилда муҳандислик йўналишида талабалар, профессор-ўқи-тувчилар ва амалиётчилар учун "Энг яхши гоя", "Энг яхши лойиҳа" ва "Энг яхши ихтиро" республика кўрик-танлови ўтқа-зилади. Мазкур мега-танлов ёшларнинг ижодий ва инновацион фикрлаш қобили-ятларини ривожлантиришга қаратилган бўлиб, уларнинг фаолиятини рағбатлан-тириш, мавжуд муаммоларга ечимлар топиш, инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқаришга катта хисса қўшади.

Мазкур танлов ғолибларига жами 9 та электромобиль, халқаро стажировкалар ва йирик пул мукофотлари тақдим этиш кўзда тутилгани эса муҳандис кадрлар-ни етиштириш, уларнинг лойиҳаларини ривожлантиришга давлатимиз томонидан алоҳида эътибор берилаётганининг яққол намунаси-дир. Бу соҳага бўлган талаб ва рағбат йилдан-йилга ошиб бораётганини шундай танловлар орқали намойиш этар-канмиз, соҳага иқтидорли ёшларнинг қи-зиқшини орттиришни мақсад қилганмиз.

Сўзимиз сўнгига талабаларимизни интеллектуал салоҳиятни юксак, халқаро меҳнат бозори талабларига жавоб бера-диган, креатив ёндашувларга, иннова-цион гоя ва ташаббусларга эга кадрлар қилиб тайёрлаш, ижтимоий фаоллигини ошириш баробарида уларни миллий қадриятларимиз руҳида, фикири тоза, коррупцияга тоқатсиз қилиб камолга етказиш масаласи ҳам устувор бўлиб турганини таъкидламоқчиман.

Янги Ўзбекистон БМТнинг «Ёшлар – 2030» стратегиясини фаол амалга оши-раётган ўнта мамлакатдан бири ҳисобла-нади. Шунинг ўзидек ёшларга оид давлат сиёсати замонавий ва илғор принциплар асосида ҳаётга татбиқ қилинаётгани-ни кўрсатади. Олий таълимдаги янги ўзгаришлар, эришилаётган марралар – бари-бари тараққиётимизни жадаллашти-рувчи куч – ёшлар келажаги, истиқбол и учун экани бугун ҳаммамиз кўриб, гувоҳи бўлиб турган улкан ҳақиқатдир.

ХДП ФАОЛЛАРИ – ХУДУДЛАРДА



(Давоми. Боши 1-бетда)

Халқ вакилларининг ҳудудларга чиқиб, ўз ваколатлари доирасида ўрганишлар ва назорат-таҳлил ишларини олиб бориши бу борада реал ҳолатларга кўзгу тутиб, аҳоли турмуш даражасини янада яхшилаш, одамларни бугунги кундан рози қилиш йўлида ҳаётий ташаббус ва ғояларни ишлаб чиқишга замин яратмоқда.

Шу маънода Ўзбекистон Халқ демократик партияси феоллари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги депутатларимиздан иборат ишчи гуруҳ жойларда камбағалликни қисқартириш, бандлик, таълимни ривожлантириш ва ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш, пенсия тайинлаш жараёнидаги масалаларни атрофлича ўрганаётгани, муаммолар ечимига қаратилган жўяли тақлифларини илгари сураётгани эътирофга молиқдир.

Яқинда ЎзХДП фракцияси ва партия Марказий Кенгаши вакиллари Наманган ва Фарғона вилоятларида бўлди.

Маълумотларга кўра, вақт ҳарчанд тигиз бўлишига қарамай, ишчи гуруҳи томонидан вилоятнинг 12 та тумани ва 1 та шахрида жойлашган маҳаллалар ҳамда ижтимоий муассасаларда аҳоли, хусусан, партия электорати билан юзга яқин учрашувлар ўтказилди. Бу учрашувларда мингдан ортиқ фуқаролар иштирок этиб, ўзларини ўйлантираётган турли масалаларда муаммо ва тақлифларини баён қилди.

Юзма-юз мулоқотлар асосида “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йилида амалга оширишга оид Давлат дастурининг устувор максадлари ва муҳим вазифалар моҳияти, аҳамияти кенг жамоатчиликка етказилди. Шу билан бир қаторда ЎзХДПнинг 2024–2029 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастури юзасидан кенг маълумотлар берилди. Партия фракцияси аъзоларининг ижтимоий ислохотларни чуқурлаштиришга қаратилган қонунчилик ташаббуслари билан таништирилди.

Аҳоли манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, партиянинг Сайловолди дастури ва сиёсий позициясидан келиб чиқиб, ташкилотлар кесимида жами 10 та йўналишда ўрганиш ишлари ташкил этилди. Ногиронлиги бўлган шахслар манфаатларини кафолатлаш, пенсия тайинлаш жараёнида учрайдиган муаммоларни бартараф этиш, таълим соҳасидаги камчиликларни аниқлаш ва зарур чораларни қўриш, аҳолини арзон уй-жой билан таъминлаш, субсидиялар ажратиш, бандлик даражасини яхшилаш, меҳнат мигрантларини қўллаб-қувватлаш, сифатли ижтимоий, коммунал ва хизматлар кўрсатиш ҳолатлари ўрганилди. Шунингдек, давлат бюджети ва ҳудудларда инвестиция дастурлари ижроси устидан назорат тадбирлари билан боғлиқ масалалар ҳам эътибордан четда қолмади.

Тарози босгулик ютуқлар, ижтимоий соҳаларда силжишлар бор, бироқ аниқланган камчиликлар ҳам оз эмас. Эътирофли жиҳатлардан бири шуки, учрашувлар ва назорат-таҳлил тадбирларида маҳаллий Кенгаш депутатлари ҳамда партия ҳудудий тузилмалари раҳбарлари фаол қатнашиб, вилоят, туман даражасида ҳал қилиниши мумкин бўлган камчиликлар ечимида аниқ чора-тадбирларни белгилаб олишди.

Бугун халқ вакиллари зиммасида ваколат ҳам, масъулият ҳам қаррасига ошган. Бу эса уларнинг фаолиятида мудроқ қайфиятга тамомила барҳам бериб, жонкуярлик, халқ дардида бедорлик ҳислатларини тоблаётгани мана шундай мазмундаги тадбирлар давомида яққол намоён бўлмоқда.

КЎЗДАН ПАНАДАГИ МУАММОЛАР БИЛАН ТЎҚНАШ КЕЛДИК

Зулайхо АКРАМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасидаги ЎзХДП фракцияси
аъзоси:

–Камбағалликни қисқартириш ва кучли ижтимоий ҳимоянинг мукаммал тизимини яратиш Янги Ўзбекистон сиёсатининг асосий йўналишига айланди. Барча ислохотлар “Инсон қадрини учун” тамойили асосида олиб боришмоқда.

Аҳоли учун муқим ва даромадли иш жойларини яратиш, шу орқали камбағалликни қисқартиришга йўналтирилган трансформация дастурлари жойларда амалий натижасини бераётганига Наманган вилояти мисолида ҳам ғувоҳи бўлдик. Бинобарин, жорий йилда республика бўйлаб 1,5 миллион нафар аҳолини камбағалликдан чиқариш, 5 млн 200 минг кишини ишли қилиш кўзда тутилётган бир пайтда ушбу мақсадга эришиш барча даражадаги давлат органи ва ташкилотларининг биринчи да-

ражали вазифасига айлангани, “Камбағалликдан — фаровонлик сари” дастури доирасида манзилли чора-тадбирлар қизғин тус олаётгани мазкур вилоят ижтимоий-иқтисодий ҳаётида ҳам залворли ўзгаришларга туртки беряпти.

Биламизки, водий аҳли, жумладан, наманганликларда омилкорлик, ишбилармонлик салоҳияти юқори. Вилоятда саноат ва ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш жадал ўсиб бормоқда. Зироатчилик, томорқа деҳқончилигида ҳам наманганликларнинг ўз тажриба мактаби бор. Бу эса, табиийки, аҳолининг бандлик даражасига ижобий таъсир кўрсатади. Шу йилнинг ўтган қисқа даврида ишсизлик кўрсаткичи 1,2 фоизга камайиб, 5,8 фоизга тушгани – бу дадил натижа!

Соҳалар кесимида таҳлил этилганида, тижорат банклари томонидан аҳолини доимий ишга жойлаштириш ва тадбиркорликка жалб қилиш йўналишларида 20,7 минг кишининг бандлиги таъминланган. Юқорида айтиб ўтганимдек, саноат ва ишлаб чиқаришдан ташқари, қурилиш, қишлоқ хўжалиги соҳаларида инвестиция дастурларининг изчил татбиқ этилаётгани янги иш ўринларини яратиш имкоятини оширмоқда. Бундан ташқари, ишсиз фуқароларни Наманган шаҳри, Учқўрғон, Тўрақўрғон ва Наманган туман касбий кўникмалар марказларида ҳамда вилоят бандлик бошқармаси ташаббуси билан 23 та нодавлат, 20 та профессионал таълим муассасалари ва 16 та устоз-шогирд мактабларида бепул ўқитиш йўлга қўйилгани айни мuddaодир.

Қизиғи, туманлар кесимидаги ўрганишлар давомида бу борадаги ютуқлар билан бирга кўздан панада қолиб кетган қатор муаммолар билан ҳам тўқнаш келинди. Биргина мисол келтираман. Норин тумани-



да жорий йил бошидан аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш орқали иш ўринлари кўпроқ яратилган. Бу яхши, албатта. Лекин маҳаллаларда фаолият юритаётган хизмат кўрсатиш (ошхона, сартарошхона, автомобилларга хизмат кўрсатиш, кичик савдо дўконлари ва бошқалар) шахобчаларида одатда 2 нафардан 10 нафаргача ходимлар ишлаётган бўлса-да, солиқ ҳисоботларида 1 нафардан қўриб чиқилди. Худди шундай, ишлаб чиқариш объектларида ҳам солиқ ҳисоботларида ишчи-ходимлар сони кам келтирилган.

Бундан англаймизки, маҳалла еттилиги томонидан ўз ҳудудида жойлашган юридик корхона ва ташкилотларда легаллаштириш ва иш ўринларини тўлиқ кўрсатиш бўйича тушунтириш ишларини кучайтиришга, туман солиқ инспекция билан биргаликда маҳаллалардаги хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқариш объектларини қайта текширувдан ўтказишга эҳтиёж сезилмоқда.

Туманларда Миграция агентлигининг бўлими мавжуд бўлмагани сабабли хориждан қайтган меҳнат муҳожирларининг ҳисобини юритиш, чет элга бормоқчи бўлган фуқароларга маслаҳат ва йўналишлар бериш бўйича муаммолар ҳам ўз ечимини кутиб турибди.

Фуқаро ўзини ўзи банд қилиши учун имтиёзли кредит олмоқчи бўлса, “Onlayn-mahalla.uz” платформаси орқали мурожаат этиши лозим. Мурожаат МФЙдаги ҳоким ёрдамчисининг тавсияномаси билан банк томонидан қўриб чиқилади. Ҳоким ёрдамчиси маҳаллага ажратилган кредит лимити бўлсагина, тавсиянома бериши мумкин, йўқса, фуқарога “рад қилиш” тўғрисидаги хабарномами узатишга мажбур. Бу эса фуқароларнинг ҳоким ёрдамчисига ишонч ҳисси қамайишига олиб келмоқда. Кредитни берувчи – банк, жавобгар эса ҳоким ёрдамчиси бўлиб қолмоқда.

Миграциядан қайтган фуқароларни ишга

олган кичик ва йирик корхоналарга бу ходимларнинг малакасини оширганлиги учун субсидия ажратиш тизими ҳам қайта йўлга қийилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Ўрганишлар ва мулоқотлар жараёнида аҳоли ҳамда тадбиркорлар бандликни таъминлаш, камбағалликка қарши курашиш борасида ўзлари дуч келаётган вазиятларга таяниб, мана шундай асосли тақлифларни етказишга астойдил жидд-у жаҳд этгани бизни мамнун қилди. Демак, одамларимиз онг-у тафаккури ўзгарган, ижтимоий ислохотларга дахлдорлик туйғуси уйғонган, асосийси, биз, халқ вакилларига умид ва ишонч кўзи билан қарамоқдалар.

ТАЪЛИМ РИВОЖЛАНСА, ЖАМИЯТДА ЎСИШ БЎЛАДИ

Зухра ШОДИЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасидаги
ЎзХДП фракцияси аъзоси:

–Бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг натижаси, эл-юрт тақдир, жамият ҳаётидаги ўсиш таълим-тарбия ривожига қаратилаётган эътибор, ажратилаётган ресурслар билан узвий боғлиқ.

Наманган вилоятида сўнгги йилларда мактабгача таълим, умумий ўрта таълим ва касб-хунар таълими тизимида сезиларли ўзгаришлар кузатилаётганини қайд этиб ўтиш керак. Вилоятнинг мактаб битирувчилари республика ва хориждаги нуфузли ОТМга кириш бўйича йилдан-йилга юқори кўрсаткичларга эришаётгани бунинг ёрқин далили. Вилоятда бўлган чоғимизда энг чекка, олис ҳудудларда ҳам ҳавас қилгulik шароитларга эга мактаб ва боғчаларни қуриб, очиги, дилимиз ёришди. Билимга чанқоқ ўғил-қизлар, ўз касбининг фидойиси бўлган педагог-ўқитувчилар билан учрашув ва мулоқотлар улар учун ҳам, биз учун ҳам фойдали бўлди.

Биз учун фойдалиси шундаки, ҳудуд таълим тизимида узоқ йиллардан бери ечимини кутаётган муаммолар билан юзма-юз келдик. Ўша муаммолар билан яшаётган

уларни ҳал этиш борасида тезкор, натижадор чораларни тақлиф қилдик. Маҳаллий Кенгашлардаги депутатларимиз ҳам ўз ҳудудлари бўйича тегишли масалада депутатлик сўрови юбориш, халқ депутатлари туман Кенгаши комиссияси ва сессиясига қиритган ҳолда муаммони бартараф этишда жонбозлик кўрсатишга бел боғлаганини айтиб ўтиш ўринли.

Яна бир гап. Чет тилларини, замонавий ахборот технологияларини ўрганиш учун мактабдан сўнг ўқув курсларига, репетиторларга бориб, вақт, пул сарфлаётган қанча ёшларимиз бор. Шунинг ўзи ҳам умумтаълим мактабларида бу йўналишларда ўқитишни янада чуқурлаштиришга талаб борлигини кўрсатади. Партиямиз бу муаммоларга ечим сифатида чет тиллари ҳамда IT бўйича мавзуларни чуқурроқ тушуниш ва теран ўзлаштириш учун мактабларда назарий билим ҳамда амалий машғулотларни ўз ичига олган ўқув соатларни, дарсларни кўпайтириш заруратига урғу бериб келаётгани бежиз эмас.

Унутмайлик, тараққиётга фақат таълим орқали эришилади. Қайсики, жамиятда инсон капитали ривожланса, халқнинг, миллатнинг интеллектуал даражаси ортади.

ҚАТЪИЙ ЁНДАШУВ КЕРАК

Илҳом АТАБАЕВ,
ЎзХДП Наманган вилоят кенгаши
раиси:

–Бугунги кунда дунёда инклюзив жамият тушунчаси кенг тарқалган. Ҳар қандай мамлакат юксак тараққиётга эришиши учун унда яшовчи ҳар бир шахс фаол фуқаролик позициясини эгаллаши шарт. Айнан шу меъёр ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳам жамиятимиздаги фаоллиги янада ошишида ўз тасдиғини топади.

Юртимиз ҳудудларида очилган ва ҳозирда тизимли равишда фаолият кўрсатаётган “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари нафақат ногиронлиги бор шахслар, шунингдек, ёлғиз кексалар, боқувчисини йўқотган оилалар, зўравонликка учраган аёллар каби огир ҳаётий вазиятга тушган ҳамюртларимизга ҳар тарафлама мадад қўлини чўзиб келмоқда. Наманган вилояти шаҳар ва туманларидаги “Инсон” ИХМ томонидан қилинаётган ишлар, фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш натижаларини ўрганиб, соҳада ягона давлат сиёсатини юритувчи органининг ташкил қилиниши ижтимоий ҳимояни янги босқичга олиб чиққанига яна бир бор ишонч ҳосил қилдик.

Шу билан бирга вилоятда ногиронлиги бор шахсларни янада қўллаб-қувватлаш бўйича талай ишлар ҳам кутиб турганини кўрдик. Мисол учун, Ногиронлар жамияти ва Кўзи оғизлар жамиятининг туман-шаҳар бўлиmlари учун алоҳида, махсус жиҳозланган бинолар керак.

Бундан ташқари, ногиронлиги бўлган шахсларга тадбиркорлик фаолиятини бошлаши учун банклар томонидан кредит фоизини пасайтириш мақсадга мувофиқдир.

Ногиронлиги бор шахслар асосан жисмоний меҳнат талаб қилинадиган, даромади кам бўлган ишларга жалб қилинаётган ҳолатлар ҳам, афсуски, бор. Бундай ҳолатларга ечим сифатида ногиронлиги бўлган шахсларни замонавий касбларга масофавий ўқитиш тизимини яратиш ҳамда замонавий технологиялар ёрдамида ишлаш имкониятларини кенгайтиришнинг иқтисодий ва ҳуқуқий асосини яратиш масаласини кун тартибига қўйдик. Айниқса, уларнинг IT, дизайн ва таржимонлик каби соҳалар орқали масофавий бандлигини таъминлаш, тобора рақобатдошлиги ортиб бораётган меҳнат бозорига ўз ўринларини топишига кўмаклашиш ҳақиқий инсонпарварлик намунаси бўлади.

Тўрақўрғон туманида ногиронлиги бўлган шахслар учун электр аравачалар, махсус юриш, ешитиш мосламалари, протез-ортопедия бўюмлари етишмаслиги, борларининг ҳам сифати талабга жавоб бермаслиги муаммоси ўрганилди. Корхона ва ташкилотларда ногиронлиги бўлган ишчилар учун қулай шароит яратишга субсидия беришда сусткашликка йўл қўйилаётгани ва субсидия берилишидаги тўсиқларнинг кўплиги, инклюзив таълимнинг етарли ривожланмагани таассуфли.

Ишчи гуруҳи ўрганиш жараёнида бу каби муаммоларни партия аъзолари билан чуқур ўрганиб, депутатлик сўрови юбориш, қатор масалаларда эса қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан тақлифлар тайёрлашни белгилаб олди.

Тўғри, ижтимоий кўмакка муҳтож инсонларни рози қилиш, турмуш сифатини ошириш, барча жабҳада инклюзивлик даражасини юксалтириш бир зумда ва осон кечадиган жараён эмас. Бунинг учун давлат ва жамиятнинг ҳамкорлиқда қатъий ёндашуви керак.

Халқ демократик партияси ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини қатъий туриб ҳимоя қилади. Бу бизнинг ижтимоий адолат тамойилларига содиқлигимиз ва собитлигимизни билдиради.

МУЛОҚОТЛАР



Қабул қилинган қонунлар, қарорлар ва дастурларнинг қуйида ижроси тўлиқ таъминланмаса, ўзгаришлар оилалар, фуқароларимиз ҳаётида сезилмаса, олиб борилаётган сўй-ҳаракатлар самара бермайди. Энг юқори нуқтадан бошланган ўзгариш энг қуйи нуқтада акс-садо берсагина, ислохот кутилган натижани беради.
Ишчи гуруҳи аъзолари Фарғонадаги назорат-таҳлил натижалари, хулоса ва таклифларини ҳам биз билан бўлишишди.



ҲЕЧ БИР ИНСОН ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИКДАН ЧЕТДА ҚОЛМАСИН!

Ўзбекистонда ижтимоий барқарорликка асосланган халқпарвар сиёсат олиб боришмоқда. “Инсон қадри учун” тамойили асосида жамиятдаги турли қатламларнинг манфаати, хоҳиш-иродасини инобатга олиш ва уларни рўёбга чиқаришга катта эътибор қаратилмоқда. Кексалар, ижтимоий муҳофазага муҳтож ва ногиронлиги бўлган шахслар давлат ва жамиятимизнинг доимий ғамхўрлиги остида яшамоқда.

Албатта, бу борадаги ислохотлар қанчадан-қанча одамларнинг турмушида ўзгариш ясагани, уларнинг ҳаётга ишончи ва умидини юксакларга кўтарганини исботлашга ҳожат йўқ, назаримизда. Бу юртимизда ижтимоий муаммоларни ҳал этишнинг мутлақо янги ва ўзига хос тизими яратилгани натижасидир.

Хўш, бу борада Фарғонада нима гап? Жамиятнинг эҳтиёжманд қатлами ҳимояси учун вилоятда қандай ишлар амалга оширилмоқда?

Улғабек ВАФОЕВ,
ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси
ўринбосари:

– Тўғри, эътиборга арзигулик ислохотлар олиб бориляпти, эҳтиёжманд аҳолини қўллаб-қувватлашга давлат томонидан алоҳида аҳамият бериляпти. Аммо қабул қилинган қонунлар ва қарор, фармонлар ижроси жойларда тўлиқ бажарилмаяпти. Ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолининг ҳуқуқларини амалда қўллаш механизмлари тўлиқ ишга солинмаяпти.

Масалан, Кўзи оғизлар жамияти Қўқон шаҳар бўлими фаолиятини ўрганишимизда эътибор қилиниши керак бўлган қатор масалалар борлиги маълум бўлди.

Хусусан, шаҳар кўзи оғизлар жамияти атрофидаги йўллар қаровсиз ҳолатда, таъмирга муҳтож. Бу ҳудудда кўзи оғизлар ҳаракатланиши учун қийинчилик туғдирмоқда. Юртимизда ногиронлиги бор одамларнинг ҳаммаси ҳам тўшакка миҳланмаган. Аравача, қўлтиқтаёқ ва бошқа қўмакчи воситалар ёрдамида ҳаракатланадиганлар ҳам кам эмас. Демак, аввало, уларга тўсиқсиз муҳит яратилиши керак.

Шунингдек, Кўзи оғизлар жамиятига давлат томонидан пул ажратмалари тизимни рағбатлантиришга етмайди. Шунинг учун тизимга ҳомий ташкилотларни бириктириш, кўзи оғиз фуқаролар учун иш ўринлари яратиш, уларни касбга йўналтириш курсларини ташкил қилиш лозим.

Бундан ташқари, ишчи гуруҳи аъзолари Ногиронлар жамиятининг Бешарик тумани ҳудудий бўлинмаси фаолияти билан ҳам танишди. Бизга маълум бўлишича, туман Ногиронлар жамиятининг ҳеч қандай бонуси йўқ, вақтинчалик “Файзиобод” МФЙ биносидан фойдаланмоқда. Ушбу ташкилотда моддий-техник база ҳам умуман йўқ.

Туманда эшитишида нуқсони бўлган болаларга тиббий хулоса бериш билан шуғулланувчи мутахассиснинг (сурдолог) факатгина вилоят марказида фаолият олиб бориши чекка ҳудудлардаги фуқароларга қўшимча ноқулайликлар туғдирмоқда.

Шуларни инобатга олган ҳолда, туманлар марказий поликлиникаларида эшитишида нуқсони бўлган болаларга тиббий хулоса бериш билан шуғулланадиган сурдолог фаолиятини ташкил қилиш керак, деб ўйлаймиз. Ҳудудлардаги Ногиронлар жамияти доимий фаолият олиб бориши учун муқим жой билан таъминлаш ва моддий-техник базасини шакллантириш ҳам кечиктириб бўлмайдиган масала.

Мавзуга, реал жараёнга янада чуқур-

дик, бу борадаги муаммоларни ўргандик.

Маълум бўлишича, туманда 550 га яқин кўзи оғиз, кўришида нуқсони бор фуқаролар яшайди. Кўзи оғизлар жамияти туман бўлимига маъмурий бино ҳамда ногиронлиги бўлган фуқароларни иш билан таъминлаш мақсадида кичик ишлаб чиқаришлар ташкил этиш учун бино зарур. Шунингдек, кўзи оғиз фуқаролар учун ихтисослаштирилган кутубхона ҳамда чет тилларини ўқитиш марказларини ташкил этиш лозим.

Бундан ташқари, туманлардаги марказий чорраҳаларда кўзи оғиз фуқароларнинг светафорлардан мустақил фойдаланиши учун овозли қўрилмаларни ўрнатиш зарур.

Партиямиз фаолларининг таъкидлашича, вилоятда муҳтож оилалар ва эҳтиёжманд инсонлар билан манзилли ишлашни кучайтириш керак.

ТАРАҚҚИЁТ БИЛИМЛИ ЁШЛАР БИЛАН

Жамият тараққиёти, хусусан, барча соҳа ва лойиҳалар муваффақияти билимли ёшларга боғлиқ. Илғор фикрлайдиган, юқори салоҳиятли кадрларни шакллантириш, илм-фан ва инновациялар ривожини аввало, таълимдан бошланади.

Ўқитувчи ва ўқувчига ўқитиш ва ўқиш учун зарур шароитлар яратилса, ёшлар ўзини ўзи ривожлантириш учун қўлай ва замонавий муҳитга эга бўлса, келажақ пойдевори шунча мустаҳкам бўлади.

Партиямизнинг ишчи гуруҳи вилоятдаги таълим муассасалари фаолияти билан ҳам танишишди. Ҳозир биз барча жабҳада жаҳон андозаларига бўйлашяпмиз. Хусусан, таълим тизимида ҳам. Хўш, вазиятни вилоятдаги туман ва шаҳарлар мисолида таҳлил қиладиган бўлсак, нимани кўра-миз?

Анвархон НАБИЕВ,
халқ депутатлари Фарғона вилоят
Кенгашидаги ЎзХДП депутати:

– Назорат-таҳлил давомида Риштон туманида янги қад ростлаётган 61-умумтаълим мактабида ҳам бўлдик. Ушбу мактаб 2024 йил якунига қадар фойдаланиш учун топширилиши керак эди. Аммо мактабда ҳанузгача тўлиқ ва тўлақонлик қурилиш ниҳоясига етмаган. Биз бунинг сабабини ўргандик. Маълум бўлишича, қурувчи фирма керакли маҳсулотларни етказиб берамаяпти. Партия гуруҳи билан ҳамкорликда масалани чуқур ўрганиб чиқиб, депутатлик сўрови юборишни режалаштирдик.

Шунингдек, ишчи гуруҳи аъзолари Бувайда туманидаги 20-умумтаълим мактабида ҳам бўлишди. “Оқтош” қишлоғида жойлашган ушбу мактабда спорт зали ва ошхона йўқ. Йўл четида пиёдалар йўлак-лари ҳам йўқлиги учун ўқувчилар автомобилларга мўлжалланган йўл атрофидан юришига тўғри келмоқда. Бу эса автоҳалатлар бўлиш хавфини оширади.

Бундан ташқари, фаолларимиз билан бирга Қўштепа туманидаги ихтисослаштирилган мактабга ҳам бордик. Бу ерда барча шароитлар талабга жавоб беради, ўқувчиларнинг олий ўқув юртларига ўқишга кириш кўрсаткичи жуда юқори. Аммо мактабнинг 197 нафар ўқувчиси 15-45 километр масофадан дарсга қатнайди. Ётоқхона ташкил қилиш учун бино бор, овқатланиш шароитлари бор. Ётоқхона ташкил этилса, узоқдан дарсга қатнайди-ган ўқувчилар учун айни мuddао бўлади.

Таълим даражаси ва сифати жамият истиқболини белгилаб берадиган муҳим

“

АЛБАТТА, БУ БОРАДАГИ ИСЛОХОТЛАР ҚАНЧАДАН-ҚАНЧА ОДАМЛАРНИНГ ТУРМУШИДА ЎЗГАРИШ ЯСАГАНИ, УЛАРНИНГ ҲАЁТГА ИШОНЧИ ВА УМИДИНИ ЮКСАКЛАРГА КЎТАРГАНИНИ ИСБОТЛАШГА ҲОЖАТ ЙЎҚ, НАЗАРИМИЗДА. БУ ЮРТИМИЗДА ИЖТимоий МУАММОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШНИНГ МУТЛАҚО ЯНГИ ВА ЎЗИГА ХОС ТИЗИМИ ЯРАТИЛГАНИ НАТИЖАСИДИР.

роқ кирсак, вилоятда эҳтиёжманд аҳоли вакилларини қўллаб-қувватлаш, умуман олганда, ижтимоий ҳимоя тизимида ҳал этилиши керак бўлган кўп масалалар борлиги ойдинлашади. Шунини унутмайликки, ижтимоий ҳимоя, аввало, ҳуқуқлар ва имкониятлар тенглиги масаласи, ҳар бир инсон инсондек муомалага лойик, деганидир. Ногиронлиги бор инсонлар ҳам кўп нарсасига эришиши мумкин. Фақат уларни қўллаб-қувватлаб, ўзига ишончи, ҳаётга умидини оширсак бўлди.

Биз масалани шунчаки ўрганмадик, шу жойга келганда тўхтаб ҳам қолмаймиз. Маҳаллий Кенгашлардаги партиямиз гуруҳлари билан ҳамкорликда бу борадаги назоратни кучайтириб, муаммоларни халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессиясига киритамиз. Таклифларимиз амалга ошма-гунча тинчимаймиз.

Фахриддин ЭЛМУРОДОВ,
ЎзХДП Марказий Кенгаши
Ташкилий-назорат ва кадрлар
бошқармаси бошлиғи:

– Халқ демократик партияси жамиятимизда ҳуқуқлар ва имкониятлар тенглигини таъминлаш тарафдори. Биз Фарғонадаги ўрганишларимизда ҳам бу масалага алоҳида эътибор бердик.

Хусусан, Кўзи оғизлар жамияти Олти-ариқ туман бўлими фаоллари билан учраш-



омилдир. Шу маънода мактабларнинг моддий-техника базасини яхшилаш, ўқувчилар учун барча шароитларни яратиш масаласини энг олдинги ўринларга қўйишимиз керак. Бусиз мақсадга эришиб бўлмайди.

Маълум бўлишича, вилоятда аҳоли бандлигини таъминлаш, камбағаллиқни қисқартириш, эҳтиёжманд оилаларнинг ижтимоий ҳимоясига алоҳида эътибор қаратилляпти. Биз Фарғонадаги ҳақиқий ҳолатга назар ташлаймиз. Камбағаллиқни камайитириш, аҳоли даромадларини ошириш бўйича олиб борилаётган ишлар ва уларнинг натижаларига тўхталамиз.

Маълумотларга кўра, бугун вилоятда 3,3 миллион аҳоли яшайди. Шундан 2,2 миллион нафари меҳнат қилишга тайёр иқтисодий фаол ҳисобланади. Улардан 1,9 миллиони иқтисодиётнинг турли тармоқларида меҳнат қилмоқда.

Жавоҳир БЕКТУРДИЕВ,
ЎзХДП Марказий Кенгаши
ташкилий-назорат бўлими бошлиғи:

– Камбағаллиқка барҳам бериш қатор тизимли масалаларни ўз ичига олади. Бу иқтисодий инфратузилма билан бирга, инвестиция йўналтириш, бандлик билан боғлиқ барча муаммоларни ечиш, таълимни ривожлантириш каби комплекс чораларни талаб этади. Мазкур масалалар Халқ демократик партияси ғоялари билан чамбарчас боғлиқ.

Шундан келиб чиқиб, биз бу йўналишдаги назорат-таҳлил ишларини вилоятнинг барча туманларида олиб бордик. Ўрганишлар давомида маълум бўлдики, ҳудудларда бу борадаги муаммолар етарли.

Фикрларимизни Бувайда тумани мисолида давом эттирамиз. Туманда ишсиз фуқаролар учун меҳнат ярмаркалари ўтказилмоқда, аммо улар учун қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари ўтказишда бироз сусткашлиklar бор. Меҳнат мигрантлари учун амалий ёрдам бериш мақсадида онлайн ўқув курслари ташкил этилмаган. Хориждан қайтган меҳнат мигрантларини ишга жойлаштиришда муаммолар мавжуд.

Шунингдек, биз Бувайда тумани санот-зонасига ҳам бордик. Бу ерда ишлаб чиқарувчи ташкилотлар томонидан устоз-шогирд анъаналари тўғри йўлга қўйилмаган. Ногиронлиги бор шахсларни ишга қабул қилишда бериладиган имтиёзлар хусусида тадбиркорлар тўлиқ маълумотга эга эмаслиги ҳам маълум бўлди.

Назорат-таҳлил давомида ҳар бир масалага чуқур ёндашишга ҳаракат қилдик. Соҳа мутахассислари билан суҳбатлашдик, аҳоли билан учрашдик, эътирозларини тингладик, муурожаатларини ўргандик. Таклифларимизни ҳам шу асосда тайёрладик. Муаммоларни сессияларда муҳокама қиламиз.

Зарурат бўлса, парламент ва депутатлик сўрови юборилиб, мутасаддилар олдида масала қатъий қўйилади. Мақсадимиз аҳолини ўйлантираётган муаммоларни қисқа вақтда ва тизимли ҳал этишдан иборат.

Албатта, электоратимиз манфаатлари билан боғлиқ ҳар қандай масаланинг назоратга олиниши яхши. Бу мутасаддиларнинг халқимиз олдидаги масъулиятини ошириш, аҳоли эътирозларига сабаб бўлиб келётган муаммоларнинг юзага чиқиши, бартараф этилиши учун муҳим. Чунки жойларда қайд этиш ва айтиш билан чекланиб қолинаётган ҳолатлар бор...

Партиямиз фаолларининг назорат-таҳлил натижаларидан яна кўплаб маълумот ва рақамлар келтириш мумкин. Гап кўрсаткичларда эмас, аниқланган муаммоларни вақтида бартараф этишда, бунинг учун асосли ва ўткир таклифлар тайёрлашда. Шу боисдан биз энг муҳимларига тўхталишни жоиз топдик.

Энг муҳими, партиямиз ишчи гуруҳи жойлардаги ўрганишлар, назорат-таҳлил тадбирларида шунчаки кўриб, маълумот йиғиш эмас, балки натижагача бориш амалиётини йўлга қўймоқчи. Бу ижтимоий масалалар ечимига ижобий таъсир қилишига ишонамиз!

Қўш саҳифани
“Ўзбекистон овози” мухбирлари
Фарида МАҲКАМОВА,
Лазиза ШЕРОВА
тайёрлади.



САХОВАТ, БИРДАМЛИК ВА БАҒРИКЕНГЛИК ОЙИ

Рамазон саховат ва яхшиликлар ойдидир. Давлатимиз раҳбарининг "Муборак Рамазон ойини муносиб тарзда ўтказиш тўғрисида"ги қарори ушбу табарруқ ойнинг файзига файз қўшди ва халқимиз томонидан катта мамнуният билан қабул қилинди.

Рамазон ойида вилоятимизда "Рамазон — саховат, бирдамлик ва бағрикенглик ойи" шиори остида вилоятимиз шаҳар ва туманларида кам таъминланган, эҳтиёжманд оилалар, ногиронлиги бор шахслар учун мингдан ортиқ ифторлик дастурхони ёзилди. 3 мингдан ортиқ эҳтиёжманд оилаларга ёрдам кўрсатилди. Ёнгин ҳодисалари туфайли зарар кўрган юздан ортиқ хонадонлар ҳолидан хабар олиниб, 20 дан ортиқ ночор оиланинг уй-жойларини таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Бу кўрсатилган беминнат ёрдамлар халқимизни бирлаштирди, кўнгилларни қувонтирди. Эътибор-у эҳсондан мамнун бўлган ҳамюртларимиз кўзларида ёш, дилларида миннатдорлик билан дуога қўл очдилар. Бу йилги Рамазон ойининг яна бир ўзига хослиги шундаки, Президентимизнинг буюк олим Имом Абу Мансур Мотуридий таваллудининг 1155 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисидаги қарори қабул қилинди. Ушбу қарор халқимиз илм аҳлини руҳлантирди ва мотуридийлик таълимотининг бағрикенглик ва мўътадиллик тамойилларини кенг тарғиб қилишга туртки берди. Рамазон ҳайитига вилоятимизда катта тайёргарлик кўрилди. Ҳайит арафасида Давлатобод, Уйчи ва Чортоқ туманларида янги боғлар барпо этилиб, 600 туپ мевали ва манзарали дарахтлар экилди. Қалбларга ҳузур ва эзгулик бахш этган муборак ой ҳам тугаб, Рамазон ҳайити яқинлашмоқда. Мана шундай қутлуғ кунларда барчага қилган эзу амаллари хайрли ва барокатли бўлишини тилаб қоламиз. Юртимиздаги тинч ва фаровон ҳаётга кўз тегмасин, деймиз!

Мусохон АББОСИДДИНОВ,
Наманган вилояти бош имом-хатиби.

ЛИДЕР АЁЛЛАР САФИ КЕНГАЙМОҚДА

Бугун юртимизда хотин-қизларнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий фаоллигини ошириш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, гендер тенгликка эришиш, оилада ҳамда жамиятда мавқеини юксалтириш йўлида олиб борилаётган ислохотлар ҳар бир опа-синглимиз ҳаётида акс этмоқда. Янги Ўзбекистон Жаҳон банки индексида гендер тенгликка эришиш соҳасида дунёдаги энг тез ривожланаётган 5 та давлат қаторига киргани, Парламентлараро иттифоқ томонидан юритиладиган "Парламентдаги аёллар" рейтингда эса 193 давлат орасида 36-ўринга кўтарилгани, давлат бошқарувида, тадбиркорлар сафида хотин-қизлар улуши ортиб бораётгани ана шу ислохотларнинг ёрқин самарасидир.

Президентимизнинг "Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ижроси доирасида Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги томонидан ташкил этиб келинаётган "Раҳбар аёллар мактаби" дастури ҳам лидер аёлларимизни бирлаштириш ва уларни янги изланишлар сари рағбатлантиришга хизмат қилмоқда. Мазкур дастур давлат фуқаролик хизматидаги раҳбарлик лавозимларига хотин-қизларни тайёрлаш, уларнинг давлат бошқарувида қарорлар қабул қилиш жараёнида иштирокини кенгайтириш, салоҳиятли хотин-қизлар корпусини шакллантириш мақсадларини рўёбга чиқаришда янги имкониятларга йўл очмоқда. Бинобарин, мактаб ўқув курсларида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раиси Т. Норбоева, Бош вазир ўринбосари, Оила ва хотин-қизлар кўмитаси раиси З. Маҳкамова, Бош прокурор ўринбосари С. Артиқова ҳамда



бошқа вазирлик ва идораларда фаолият юритаётган раҳбар аёллардан олинган билим ва тажрибалар ҳар бир тингловчида ўзига бўлган ишонч-ни, ҳаётда ва жамоада раҳбарлик позициясини шакллантиришда катта роль ўйнайди. Маълумотларга кўра, бугунга қадар "Раҳбар аёллар мактаби" дастури доирасида 150 га яқин хотин-қизлар ўқитилиб, улардан 32 нафари юқори лавозимларга тайинланган. Дастурнинг 4-мавсумида 100 нафар тингловчи таҳсил олди. Улар сафида мен ҳам борлигимдан, партиямиз фаоли сифатида мана шундай имкониятга эга бўлганимдан жуда хурсандман. Ўқиш билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатидаги Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт кўмитасида амалиёт жараёнида иштирок этиб, касбий билим

ва кўникмаларимни оширдим. Сена-торларимиздан энг яхши сабоқларни олишга интилдим. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, аёллар ишлаган ва раҳбарлик қилган жойларда тартиб, адолат, ҳалоллик ва маданият юқори бўлади. Дастурни муваффақиятли битириб, сертификатни қўлга киритган опа-сингилларимиз бундай юксак ишонччи оқлашига ишончим комил. Бунинг учун уларнинг салоҳияти ҳам, тажриба ва қатъияти ҳам етади.

Шахло ХУДОЙҚУЛОВА,
Ўзбекистон ХДП Қашқадарё
вилоят кенгаши Ёшлар ва хотин-қизлар билан ишлаш бўлими
бошлиғи,
"Раҳбар аёллар мактаби"
4-мавсум тингловчиси.



СЎРАГАН ЭДИНГИЗ

ИПОТЕКА КРЕДИТИ ФОИЗ СТАВКАЛАРИ ПАСАЙТИРИЛДИ

Ҳар кимнинг уй-жойли бўлиш ҳуқуқи Конституциямизда мустаҳкамланди. Фуқароларимизнинг ушбу ҳуқуқларини таъминлаш мақсадида мамлакатимизда кенг қўламли ишлар амалга оширилоқда. Айниқса, бугунги кунда уй-жой ва ипотека кредити механизмларидан фойдаланиш амалиётини янада такомиллаштириш ва кенгайтириш, шунингдек, аҳолининг барча қатламлари учун бозор тамойиллари асосида ипотека кредитларидан фойдаланиш имкониятларини янада оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, мамлакатимизда сўнгги 5 йилда умумий майдони 21,7 миллион метр квадратдан бўлган кўп квартирали уй-жойлар барпо этилиб, аҳолининг уй-жой сотиб олишига кўмаклашиш учун 67 триллион сўмлик ипотека кредитлари ажратилган. Бу борадаги ишларни давом эттириш ва янги босқичга кўтариш мақсадида Президентимиз томонидан 2025 йил 21 февралда "Уй-жой ва ипотека бозорини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони қабул қилинди. Мазкур фармонга кўра, 2025 йилда бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитлари орқали аҳолини уй-жой билан таъминлаш дастурининг асосий йўналишлари этиб ҳудудларда жами 8,1 миллион метр квадратдан иборат 135 минг квартирали уй-жойларни қуриш, ипотека кредитлари бўйича дастлабки бадал ва фоиз тўловларининг бир қисmini қоплаш учун субсидиялар сонини 1,5 бараварга ошириш ва ушбу мақсадларга Давлат бюджетидан 2,5 триллион сўм йўналтириш белгиланди. Шу

билан бирга, уй-жой ва ипотека бозорини молиявий ресурслар билан таъминлаш учун 20,9 триллион сўм миқдоридаги ипотека кредитларини ажратиш режалаштирилган. Фармонда белгиланган чора-тадбирлар доирасида бир қатор ташкилотларга, шу жумладан, Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компаниясига устувор вазифалар белгилаб берилган. Хусусан, мазкур компания мамлакатда ипотека кредити бозорини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш мақсадида ташкил этилган. У тижорат банкларидан ипотека кредитларини сотиб олиб, уларга янги кредитлар бериш учун ликвидлик билан бирга, бу банкларга маблағ етишмаслигидан кўркамасдан ипотека кредитлари ҳажмини кенгайтириш имконини беради. Шу билан бирга, қайта молиялаштириш узоқ мuddатли молиявий ресурслар асосида амалга оширилади, бу эса банкларга узоқ мuddатга (20 йилгача) кредитлар бериш имконини беради. Қолаверса, компания Осиё тараққиёт банки (ОТБ) ва Халқаро молия корпорацияси (ХМК) каби халқаро молия ташкилотларидан маблағ жалб қилади ва бу маблағлар ҳамкор банклар томонидан бериладиган ипотека кредитларини қайта молиялаштиришга йўналтирилади. Шу ўринда қайд этиш лозимки, Президент фармони мувофиқ, Ипотекани қайта молиялаштириш компанияси маблағлари асосида ажратилаётган ипотека кредитлари учун фоиз ставкалари туширилиб, эндиликда, ушбу кредит фоиз ставкаси – Марказий банк асосий ставкаси + 6 фоиз қилиб белгиланди (аввал асосий ставка + 8 фоиз эди). Бугунги кунда бу 19,5 фоизни ташкил қилади. Хуллас, компания талаблари асосида ҳамкор банклар томонидан тақдим этиладиган ипотека кредитлари бўйича фоиз ставкалари пасайтирилиб, янги уй-жойларни аввалги 21,5 фоиз ўрнига 19,5 фоиз ставкада сотиб олиш мумкин бўлади.



Қолаверса, Президент фармони билан Иқтисодиёт ва молия вазирлигига Ипотека-ни қайта молиялаштириш компаниясининг буюртманомалари асосида унга Марказий банк асосий ставкасидан 1 фоиз бандга юқори ставкада 20 йилгача мuddатга кредит ресурслари ажратилишини таъминлаш вазифаси юклатилган. Бу боради Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг ахборотида кўра, Ипотекани қайта молиялаштириш компаниясига ажратиладиган кредитлар икки хил йўналишда тақдим этади. Жумладан, бирламчи уй-жой бозоридан хонадон сотиб олиш учун ва "Яшил" ипотека кредитларининг жозибadorлигини ошириш учун берилади. Ўз навбатида, бунда ипотека кредитлари ўзгармас фоиз ставкасида шакллантирилади, бироқ қайта молиялаштириш пайтида Марказий банк ставкаси ўзгарадиган бўлса, кредит ставкасини ўзгартириши зарур бўлади, яъни, пасайтирилади. Бундан ташқари, фармонга кўра, Ипотекани қайта молиялаштириш компанияси банкларга ресурс йўналтириши белгиланган. Шу боисдан, фармон доирасида компания ҳамкор тижорат банкларига 2,3 триллион сўм маблағ йўналтиришни режалаштирган. Бунда компания ушбу маблағларни 3 хил йўналишда ажратишни мақсад қилган. Бир сўз билан айтганда, ипотека кредитлари асосан 10-20 йилгача бўлган мuddатга шакллантирилади. Компаниянинг ипотека бозорини ривожлантиришга қўшаётган энг катта ҳиссаси ҳам шу жиҳатдан банкларга

енгиллик бериш саналади. Яъни, маҳаллий бозордан ёки халқаро капитал бозоридан 3-5 йилга жалб қилинган маблағларни тижорат банкларига имкон қадар узоқроқ мuddатга ажратиб беришга ҳаракат қиладди. Бу орқали тижорат банкларига узоқроқ мuddатга ажратилган маблағлар фуқароларга 10-20 йил мuddатга кредит берилишига хизмат қилади. Хуллас, компания ҳар хил шартлардаги ресурсларни молия институтларидан жалб қилган тақдирда ҳам ҳамкор банклар орқали фуқароларга ўзгармас шартларда ипотека кредитлари ажратилишига ҳаракат қилинмоқда. Эътиборли жиҳати, 2025 йил 1 майдан бошлаб "Янги Ўзбекистон" массивларини барпо этиш доирасида ер участкаларини кўп квартирали уй-жойлар қуриш учун ижарага бериш бўйича аукцион савдоларида қатнашиш, кўп квартирали уй-жойларни қуриш ва уларни реализация қилишга фақат қўшилган қиймат солигини тўловчи юридик шахсларга рухсат этилади. Шу билан бирга, ушбу фармон билан 2025 йилда ипотека кредитларини қайта молиялаштириш учун ресурс ажратишнинг мақсадли кўрсаткичлари, ипотека кредитлари бўйича субсидиялар тўлашининг мақсадли кўрсаткичлари ва бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитлари орқали аҳолини уй-жой билан таъминлаш дастурини амалга ошириш бўйича "Йўл харитаси" ҳам тасдиқланди. Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
"Ўзбекистон овози" муҳбири.




ЯХШИЛИКНИНГ МУКОФОТИ – ЯХШИЛИКДИР!

Инсонийликнинг асл зийнати бошқаларга бегараз, чин кўнгилдан ёрдам қўлини узатганимизда очиларкан. Бутун дунё биладиган, буюк кашфиётлар қилган, бир олам илм яратган олим Ньютоннинг “хаётнинг асл маъносини бошқаларга ёрдам беришдан топдим”, деган иқрорида қанчалар мукаддас ҳақиқат бор.

Одам шундай яратилган: ўзининггина тўқислиги, бахтиёрлигидан мамнун бўлиб яшай олмайди. Ўзи қувончга тўлгани сари бошқаларнинг бахтиёрлиги учун ҳам кўмаклашишни истайди. Ахир бор бўлса, бўлишадиган халқимиз. Хайрия, кўнгилли ёрдам, замонавий, дунё тушунадиган тилда айтганда, меценатлик тушунчалари ота-боболаримизга, сиз билан бизга ҳам бегона эмас.

Маълумотларга кўра, Ўзбекистон жаҳон Хайрия рейтингда энг фаол давлатлар 50 талигида туради. Бу хайрли янгилек, албатта.

Хайриянинг, яхшиликнинг аниқ қоидаси, белгиланган чегараси йўқ. Чорасиз бемордан хабар олиб, ош-овқатига қараб туриш ҳам хайриянинг бир тури аслида. Лекин дунё, ҳаёт ўзгаргани сари хайрия қилиш имкониятлари, йўл-йўриқлари ҳам кенгайди, қулайлашди.



ВОЛОНТЁРЛАРГА МИНГДАН-МИНГ РАҲМАТ!

Ҳаёт ҳеч қачон бир текисда давом эт-майди. Тақдирнинг ҳукми-да, инсон баъзан қийинчиликлар гирдобиди қолади. Маса-лан, турли иқлим офатлари, касалликлар, камбағаллик ва яна бошқа муаммолар бўлиши мумкин. Шундай пайтларда қалби меҳрга лиммо-лим тўла, бировнинг дардига, ташвишига бефарқ бўлмаган кўнгиллилар кишининг жонига оро қиради.

Улар меҳрли қўллар. Сизга ёрдам бериб, ҳеч нарса кутмайди. Улар саховатли қўл-лар, ҳеч қандай таъмасиз ёрдам беради. Улар катта кўнгил одами, руҳи яхшиликка ошуфта, хаёли эзгуликлар билан банд. Биз уларни волонтерлар, деб атаймиз.

Улар кимгадир ёрдам қўлини чўзишган-да бирор фойда олиш мақсадини кўзлаш-майди. Уларга ҳеч қандай манфаат, пул керак эмас. Эзгу мақсадлар йўлида жамоат ишларини бажариш, нотижорат ташкилот-ларни қўллаб-қувватлаш учун турли вази-фаларни бажаришга киришишади. Содда қилиб айтганда, бундай кўнгилли инсонлар ўз вақтлари ва кучларини ҳеч қандай маб-лағ олмасдан сарфлайди.

Мақолани тайёрлаш асносида қизиқ бир маълумотга кўзим тушди. Дунё бўйи-ча 1 миллиарддан ортиқ волонтерлар бор экан. Расмий ва норасмий манбаларга кўра, аёллар эркакларга қараганда кўпроқ во-лонтерлик билан шугулланади.

Айниқса, коронавирус пандемиясидан кейин волонтерлик қилиш тизими ўзгариб кетди. Пандемия бошланган 2020 йилдан 2022 йилгача онлайн волонтерлик қи-лиш 32 фоиздан 51 фоизга ошган. Хайрли мақсадлар йўлида бирлашаётган ёшлари-миз сафи кенгайиб бораётгани қувонарли, албатта.

Дилбар МАМАДЖАНОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:

– Меҳрибонликни пулга сотиш ҳам, со-тиб олиш ҳам мумкин эмас. Жамиятда шун-дай инсонлар борки, улар ўз ҳаловатидан, кундалик юмушларидан, ҳаёт ташвишларидан ортиб, қайсидир ижтимоий муаммо ёки ўзгаларнинг дарди билан куйиб-ёниб юришади. Биз уларни замонавий тилда волонтерлар, бошқачасига айтганда, кўн-гиллилар, деб атаймиз!

Асосий мақсади ҳаётий қийинчиликларга дуч келганларга ёрдам бериш бўлган бун-дай инсонлар болалар, талабалар ва саҳна юлдузлари, ижодкорлар, сиёсатчилар ва жамоат арбоблари ҳаттоки, нафақахўрлар ҳам бўлиши мумкин. Волонтерлар одатда ногиронлар, етим болалар, ёлғиз кексалар, муҳожирлар, қочқинлар, табиий офатдан зарар кўрган инсонларни моддий ва пси-хологик қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жамиятда ижтимоийлашу-ви учун янги имкониятлар яратиш билан шугулланади.

Ҳозир волонтерларнинг фаолияти тур-ли йўналишларни ўз ичига қамраб олади. Масалан, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ватанпарварлик тарбияси, фавқулодда ва-зиятлар ва табиий офатлар пайтида ёрдам кўрсатиш. Айтиш керакки, ҳозирги кунда кўплаб хайрия фондлари ва кўнгиллилар ташкилотлари ижтимоий кўнгиллилик бил-ан шугулланиб келишмоқда.

Мисол тариқасида айтсак, коронавирус пандемияси даврида турли кўнгилли лой-ихалар, хайрия ёрдамлари ташкил қилин-ганди. «Юксалиш» умуммиллий ҳаракати нодавлат нотижорат ташкилотлари, ташаб-бускор гуруҳларни, волонтер ва фаолларни коронавирусга қарши курашиш ва унинг оқибатларини юмшатиш йўлида ҳукуматга кўмаклашишга чорлагани ва бу озми, кўпми ўзининг яхшигина ижобий натижасини бер-гани ҳам сир эмас.

Бундан ташқари, Бухоро вилояти Олот ва Қорақўл туманларида юз берган таби-ий офат, Сирдарё вилоятидаги “Сардоба” сув омбори тошқинидан талофат кўрган аҳолига кўмак кўрсатишда ҳам 1 000 нафарга яқин волонтерлар фаол иштирок этди. Шунингдек, хонадонларга озиқ-овқат етказиб бераётган ёки касал болаларга пул йиғиб, уларнинг хасталигини аритаётган волонтерлар кўпчиликини ташкил қилади. Давлатимиз раҳбари томонидан во-лонтерларнинг эзгу ҳаракатлари юқори баҳолалиб, 400 нафарга яқин волонтерлар “Меҳр-саховат” кўкрак нишони билан тақ-дирланди.

Ҳақиқатан, бировнинг дардига бефарқ бўла олмайдиган бундай инсонлар давлат ва жамиятнинг ҳақиқий кўмакчисиدير!

МЕЦЕНАТЛАР ВА ҲОМИЙЛАР ЁРДАМИ БИЗГА КЕРАК (МИ)?


Албатта керак. Эсингизда бўлса, дав-латимиз раҳбари раислигида 2023 йил 22 декабрда бўлиб ўтган Республика маънави-ят ва маърифат кенгашининг кенгайтирил-ган йиғилиши ҳамда маданият ва санъат соҳаси вакиллари билан учрашувда кўплаб хорижий давлатларда меценатлик ҳаракати кенг ёйилгани ва бизнинг ҳаётимизга ҳам кириб келаётгани қайд этилди.

Таъкидланишича, 2017 йилда ташкил этилган 70 га яқин “Дўстлар клуби” томо-нидан маданият муассасаларига 85 милли-ард сўм ҳомийлик ёрдами кўрсатилган.

Энди бу тажрибани доимий ишлайдиган тизимга айлантириш зарур, деган эди дав-латимиз раҳбари нутқида.

ХЎШ, МЕЦЕНАТЛИК НИМА ЎЗИ?

Меценатлик – бу ҳомийлик дегани. Маданият ва санъат, шунингдек, илм-фан, таълим, маърифатни ривожлантириш



билан боғлиқ ташаббусларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш хайриячининг шахсий маблағлари асосида бегараз амалга оши-рилади. Бу жамиятда маданият ва санъатни ривожлантириш учун керак.

Халқимиз жуда оққўнгил, табиатан бошқаларга ёрдам бериш истаги кучли. Бир-овнинг, жамиятнинг дардига, муаммосига бефарқ бўла олмайдиган инсонлар ҳақиқий қаҳрамонлардир.

Академик Галина Пугаченкова шундай ёзган эди: «Италияда Ренессанс даврида бўлгани каби Теуририйлар даврида ҳам ме-ценатлар ҳомийлиги остида бадий санъат, адабиёт ва илм-фаннинг тараққий этиши юз берди». Бундан маълум бўлишича, ме-ценатлик бизда янги ҳодиса эмас.

СОҲАДАГИ ИЖОБИЙ ТАЖРИБАЛАР ҲАҚИДА

Охирги йилларда Ўзбекистон хайрия ва ҳомийлик соҳасида халқаро тажриба ва амалиётни кенг жалб қила бошлади. Халқа-ро ташкилотлар ва нодавлат-нотижорат ташкилотлари маҳаллий хайрия ташкилот-

лари билан билим ва тажриба алмашиш учун фаолроқ ишлай бошлади.

Хайрия ва меценатлик ривожланиши бўйича тенденцияларни кузатадиган бўл-сак, сўнгги пайтларда маблағ йиғишни ташкил этиш ва хайрия лойиҳаларини бошқариш учун технология ва интернет платформаларидан фаол фойдаланилаётга-нини кўриш мумкин.

Дунёдаги буюк кашфиётлар, ўлмас илмий, бадий асарлар, шаҳарлар кўркига кўрк қўшиб турган бинолар, боғ-у роғлар, масжид-у ибодатхоналар, мактаб ва олий ўқув юртлари, раvon йўллар-у кўприklar, хуллас, одамлар фойдаланаётган барча ижодий меҳнат маҳсуллари юрагида меҳр ўти ловуллаган, ғайрат-шижоатли кишилар-нинг ҳиммати туфайли барпо бўлганлигини эътироф қилиш зарур.

Меценатлик бизда қадимдан бўлган. Бобомиз Алишер Навоий ҳам меценатлик билан шугуллангани тарихдан маълум.

Шу ўринда айтиш жоизки, ҳомийлик фақатгина аҳолининг кам таъминланган, муҳтож қисми эҳтиёжлари учун эмас балки, жамиятда ўз натижасини берадиган, кела-жак учун фойдали бўлган ишлаб чиқариш-га, таълим, фан ва маданият соҳаларига ҳам кўрсатилиши керак.

Очиғини айтиш керак, бизда меценат-лар синфи ҳали мақтанадиган даражада шаклланган эмас. Тўғри, юртдошларимиз орасида маданият ва санъат ривожини учун ўз маблағини сарфлайдиганлар бор, аммо меценатлик оммавий ҳаракатга айлангани-ча йўқ. Санъатимиз, маданиятимиз янада гуркираб яшнаши учун ҳомийлар керак, уларга эҳтиёж катта.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда тари-химиз, халқимиз менталитетидан келиб чиқиб, ҳомийликни ривожлантириш, хайрия тадбирларини ташкил этиш, меценатликни жонлантиришга катта эътибор қаратил-моқда.

Ўзбекистонда ижтимоий, тиббий, мада-ният ва маърифат, санъат, таълим, эко-логия, архитектура, миллий меросларни авайлаб-асраш, уларни сақлаш ва келажак



авлодга етказиш, аҳолининг заиф қатлами-ни тиббий муҳофаза қилиш, уларга ёрдам кўрсатиш мақсадида бир нечта хайрия ва жамоат фондлари фаолият кўрсатади. Мисол тариқасида Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси Меценатлик қонуни доирасида хорижий сармоя ва грантларни жалб этган ҳолда, мамлаката-мизда маданият ва санъатга доир ҳомий-ликни ривожлантириш ишларини амалга оширади.

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди миссияси келажак авлод саломат-лигини таъминлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ёш авлоднинг жисмоний, интеллектуал ва ахлоқий ривожланиши учун қулай шарт-шароитлар яратишдан иборат.

Вақф жамоатчилик фонди саховатпеша инсонлар кўмагида қадамжо ва обидаларни ободонлаштириш, ҳимояга муҳтож аҳоли қатламига кўмаклашиш, ижтимоий муас-сасаларнинг моддий-техник таъминотиға ҳисса қўшиш каби хайрли ишларни амалга оширади.

Шунингдек, Ўзбекистонда ногиронлиги бўлган болаларнинг ижтимоийлашувиға кўмаклашиш, уларнинг инклюзив таълим олишлари учун шарт-шароитларни яхши-

лаш мақсадида ташкил этилган “Замин” фонди томонидан ҳам халқаро сармояларни жалб қилган ҳолда нафақат тиббий-ижти-моий йўналишдаги ишлар, балки аҳолининг марказлашган ичимлик сув таъминотини яхшилаш борасида ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилади.

ҚОНУНЧИЛИК НИМА ДЕЙДИ?

Рустам ХУРСАНОВ, Тошкент давлат юридик универси-тети Бизнес ҳуқуқи кафедраси мудир, юридик фанлар доктори, доцент:

— Жисмоний ва юридик шахсларнинг манфаатларини кўзлаб ихтиёрий фаолият-ни амалга ошириш волонтерлик фаолияти ҳисобланади. Ушбу фаолият 2019 йил 2 декабрда қабул қилинган “Волонтерлик фа-олияти тўғрисида”ги қонун билан тартибга солинади. Мазкур қонуннинг 12-моддасида ўн саккиз ёшга тўлган жисмоний шахслар волонтерлик фаолиятини амалга ошириши мумкинлиги белгилаб қўйилган.

Шунингдек, ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган жисмоний шахслар во-лонтерлик фаолиятини, башарти бу фа-олият уларнинг соғлиғига ҳамда ахлоқий ривожланишига зарар етказмаса ва ўқув жараёнини бузмаса, амалга ошириши мум-кинлиги ҳам назарда тутилган.

Таъкидлаш жоизки, ушбу Қонунда во-лонтерлик фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш, волонтерларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, фаолиятини амалга ошириш тартиблари ҳамда уларнинг фао-лиятини рағбатлантириш ва қўллаб-қувват-лашга оид қоидалар белгиланган. Соҳадаги махсус ваколатли орган эса Ёшлар ишлари агентлиги ҳисобланади.

Маълумот ўрнида айтиш керакки, Ўз-бекистон волонтерлари ассоциацияси ҳам мавжуд бўлиб, ташкилот сайтида кўрсатил-ган маълумотга кўра, жами 31 763 нафар волонтер рўйхатдан ўтган.

Бундан ташқари, 2019 йилда “Меценат-лик тўғрисида”ги Қонун ҳам қабул қилин-ган бўлиб, унга кўра, меценатлик маданият ва санъат, шунингдек, илм-фан, таълим, маърифатни ривожлантириш ва бошқа соҳаларда жисмоний ва юридик шахслар томонидан амалга ошириладиган ҳомийлик фаолияти ҳисобланади.

Қайд этиш керакки, мазкур ҳужжат-га кўра, давлат меценатларни солиқлар бўйича имтиёз ва преференциялар билан қўллаб-қувватлаши, уларга мукофотлар тақдим этиши ва номларини абадийлашти-риши мумкин.

Шу билан биргаликда, меценатлар то-монидан бегараз ёки имтиёзли шартлар асосида меценатлик кўмагини олувчиларга бериладиган мол-мулк, шунингдек, улар учун бажариладиган ишлар, кўрсатиладиган хизматлар ва қўллаб-қувватлашнинг бошқа турлари меценатлик кўмаги бўлиши мумкин.

Саҳифаимизда хайрия ва ҳомийликнинг муҳим жиҳатларини бежиз муҳокама қилмадик. Юртимизда Наврўз шукӯҳи ҳукм сураётган шу кунларда, муқаддас Рамазон ойида кўпчилик кимгадир ёрдам қўлини чўзиш, кўнгли ўқсин инсонлар ҳолидан хабар олиш, уларга меҳр-мурувват кўрсатиш билан банд. Шундай саховатпеша инсонларимиз кўпайсин! Хайриянинг турлари кўп, аслида. Кимгадир ширин сўз айтиш, кўнглини кўтариш ҳам инсонийликдир. У амалда бўладими, сўзимизда бўладими, ҳамма гап истакнинг, ниятнинг тўғрилиги ва самимийлигида. Ҳақиқий бойлик бўлиша олиш, муҳтожни қўллаш олишдадир.

Лазиза ШЕРОВА, “Ўзбекистон овози” муҳбири.

27 март — Халқаро театрлар кун

ТАРБИЯ ВА
МАДАНИЯТ МАСКАНИ

Юсак технологик тараққиёт даврида яшаёпмиз. Виртуаллик реалликка қоришиб бораётган, глобаллашувнинг шиддатли оқими таъсирида ижтимоий тармоқлар домига тортилаётган бугунги дунё ёшларида бадий дидни шакллантириш, улар ўртасида театр санъатига қизиқиш ва эътиборни ошириш жуда муҳим. Чунки театр,

маърифатпарвар Маҳмудхўжа Беҳбудий таърифи билан айтганда, ибратхонадир.

Халқаро театрлар кун арафасида Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат музыкали театри ижодкорлари билан суҳбатлашдик.

Азим МУЛЛАХОНОВ,
Муқимий номидаги
Ўзбекистон давлат музыкали
театри директори:

– Театр – мураккаб санъат тури. Айниқса, музыкали театр. Жиддий муסיқаларни тинглаш, сўзни эшитиб, таҳлил қила олиш учун савия, бадий тушунча керак бўлади. Ижтимоий тармоқлар, технологияларнинг ривожланиши бир томондан яхши. Бироқ бу баъзида дуч келган нарсани истеъмол қилиб кетаверишга ўхшаб қоляпти. Шу сабабли унга қарши иммунитет ҳам зарур. Яъни, ўзлгимизни, миллийлигимизни сақлаб қолиш, миллий контентни яратиш долзарб масалага айланган. Бизнинг авлод ўз пайтида доимий театрға боргани учун кўпроқ мана шундай маданий масканлардан тарбия олган. Жонли ижроларни кўриб, ички дунёси шаклланган. Бугун ҳам фарзандларимизни театр санъатига ошно қилмоғимиз шарт ва зарур. Шу орқали уларни етук шахс сифатида камол топтиришда, миллий ўзлик тушунчаларини онг-у шуурига сингдиришда маълум натижага эришишимиз мумкин.

Мен театрни инсоннинг китобдан кейинги ўринда турадиган дўсти, деб биламан. Масалан, битта китобни ўқишга ўртача 3-4 кун ёки 1 ҳафта сарфланса, спектаклга келган томошабин тахминан бир ярим соат ичида шу китобни ўқиб чиққандай бой тасаввурга, унутилмас завққа эга бўлади. Театр шу сабабли тезроқ қалбга кириб



боради. Асар сахнада актёрлар ижросида “тирилади”.

Расулхон ҚОДИРХОНОВ,
Муқимий номидаги
Ўзбекистон давлат музыкали
театри актёри:

– Мен ўзбек театрлари ҳозирда қайта жонланаётган даврни бошдан кечирмоқда, деб биламан.

Бизнинг театримизда тақдим қилина-

ётган спектакллар мавзу нуқтаи назаридан чин инсоний қадриятлар руҳи билан суғорилган. Театримиздаги ҳар бир инсон жонкуяр ходим. Ҳар бир йўналишда маъқул бўладиган спектакллар бор. Ким нима излаётганига боғлиқ. Ақлий фаолият билан чуқур шуғулланадиганлар дам олиш, кўнгил ёзиш учун комедия кўришни истайди.

Бугунги томошабин жуда талабчан. Бунда, албатта, макон-замоннинг таъсири катта. Шунинг учун биз ҳам доимо изланишда-


кўпроқ томошабини жалб қиламиз, деган савол ҳар биримизни ўйлантиради. Тан олиб айтилик, томошабинларимиз зийрак, синчков. Шу билан бирга ёш томошабинларимизда бироз бесабрликни кўрамиз. Бунинг учун уларни айбламоқчи эмасман. Лекин реал ҳолат шундай. Ижтимоий тармоқлар таъсири туфайлими, қисқа вақтда ҳамма нарсани жуда тезлик билан билишни исташи. Лекин, умуман олганда, театримиздан ёшларнинг, талабаларнинг қадами узилмаётгани бизни беҳад мамнун қилади.

Айтгандай, 27 март - Халқаро театрлар куни муносабати билан ўтказиладиган бепул ҳафталиклар давомида театримиз томошабинлар билан тўлади. Баъзи кўнлари жой етмай қолиб, тик турган ҳолатда спектакль томоша қилган мухлисларни ҳам кўрамиз. Мана шунинг ўзиёқ халқимиз театр санъатини ардоқлашини, биз, ижодкорлардан юксак савияли асарлар кутишини англатади.

Театр шунчаки оддий томошахона эмас, балки тарбия, маданият, маънавият ва маърифат масканидир. Сахнада қўйилган ҳар бир спектакль ортида бутун бир жамоанинг заҳматли меҳнати, ижодий изланишлари турганини унутмаслик керак.

Хуршидабону НАЗАРОВА
ёзиб олди.

ПАРТИЯДОШИМИЗ ТАШАБУСИ БИЛАН

ҚАЛБЛАР ҚУВОНЧГА
ТЎЛМОҚДА

Ер – хазина, даромад - манбаи. Ундан унумли фойдаланган кишининг рўзғори обод, турмуши фаровон, кўнгли хотиржам бўлиш табиий. Сариосиё туманининг “Шабнам” маҳалласида истиқомат қилувчи Интизор Хўжаназарова ана шундай замондошларимиздан бири.

Фаол партиядошимизни кимдир оқила бека сифатида яхши билса, бошқа биров ажойиб деҳқон эканлигини таъкидлайди. Жонкуяр устоз, донгдор боғбон-у мохир гулчи сифатида эътироф этадиганлар ҳам кўпчиликни ташкил қилади.

Ишбилармон аёлнинг ташаббуси билан маҳаллада гулчиликка асос солингани қувонарли. Ўнга яқин хонадондаги ноёб гул ва ғаройиб ўсимликлар хорижий мамлакатларга экспорт қилинаётгани ҳам бунинг ҳаётий исботидир.

– Ҳовли-жойимиз беш сотихни ташкил қилади, – дейди Интизор Хўжаназарова. – Етти йилча олдин унинг бир сотихига иссиқхона қургандик. Мўъжаз майдонда ўттиздан ортиқ мамлакатдан келтирилган ниҳол ва кўчат навлари бор. Уларни янада кўпайтириш ва оммалаштиришни ният қилганмиз.

Дарҳақиқат, иссиқхонани мўъжизалар мужассам масканга қийслаш мумкин. Россия, Хитой, Америка, Голландия, Полша,

Ҳиндистон, Японияда учрайдиган тилларанг арча, фусункор магнолия, 60 йилда гуллайдиган дуб, қоғоз олинадиган ўсимлик, илонсифат дарахт ва бошқа ўнлаб наботот олами ҳавасни келтириши шубҳасиз. Улар тури ва каттакичилигига қараб 20 минг сўмдан 2 миллион сўмгача сотилмоқда...

– Даромад кўнгилдагидек бўлаяпти, – суҳбатни давом эттирадиган хонадон соҳибаси. – Маса-

лан, 2023 йилда 70 миллион сўм фойда олинган бўлса, ўтган йили 75 миллион сўмдан сал ошганди. Жорий йилда эса бу кўрсаткични 90 миллион сўмга етказиш кўзда тутилган. Ҳалол меҳнат туфайли ризқимиз бутун. Рўзгорлар обод. Турмушимиз фаровон. Кўркам уй-жойлар қурдик. Тўй ва тантаналар қилаяпмиз. Бориға ва бариға шукур.

– Қўшниларга ҳам ўргатаётган экансиз, – савол бераман қаҳрамонимизга.

– Аксарият аёлларимиз уй-рўзгор ишлари билан шуғулланади. Фарзанд тарбияси билан машғул улар. Шунинг учун



маслаҳат бериб, йўл-йўриқ кўрсатиб турибман. Ўнга яқин хотин-қиз ишли бўлди. Шерикчилик ҳар икки томон учун ҳам фойдали бўлаётгани қувонарли.

Шу ўринда яна бир мулоҳазани айтмоқчиман. Маълумки, шу йилнинг 19 март куни Президентимиз раислигида кичик ва ўрта бизнес вакиллари билан видео-селектор йиғилиши ўтказилди. Унда янги замон кишилари эришаётган ютуқлар эътироф этилди ҳамда муаммолар атрофлича ўрганилди. Амалий таклифлар илгари сурилиб, истиқболдаги режалар белгилаб олинди. Шундан келиб чиққан ҳолда йил охиригача яна ўн нафар қишлоқ аёллари бандлигини таъминлашни кўнгилга туғдим...

– Ҳудудда 228 минг нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилса, уларнинг 112 мингдан зиёдини опа-сингилларимиз ташкил қилади, – дейди Сариосиё туман ҳокими ўринбосари, оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи Дилфуза Тошматова. – “Аёллар дафтари”нинг 1-тоифасига 3 минг нафарга яқин хотин-қиз киритилган. Янги иш

жойлари яратиш мақсадида махсус “йўл харитаси” асосида фаолият юритилмоқда. Тикувчилик, касаначилик, қандолатчилик ва бошқа соҳалар ривожланаяпти. Боғдорчилик, асаларичилик, чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик йўналишлари ҳам эътибордан четда қолаётгани йўқ. Интизорхондек янгиликка интилувчан, ўз ишининг устаси, фидойи ва ташаббускор сингилларимиз сафи кенгайса, қўзланган эзгу мақсадга тезроқ эришган бўлардик...

Аёл бахтли бўлса, оила мустаҳкамланади. Ватан ичра мўъжаз маскан ҳисобланган хонадонларда тинчлик-тотувлик ва қут-баракка бўлиши табиий. Сариосиёлик фаол партиядошимиз ҳаёти ва фаолияти мисолида бунга яна бир бор гувоҳ бўлдик.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
“Ўзбекистон овози”
муҳбири.

ЎзХДП Хоразм вилоят кенгаши жамоаси вилоят Кенгаши депутати Ниёзметова Дилбарга укаси

Баҳодир НИЁЗМЕТОВнинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

O'zbekiston Ovozi

TAHRIR HAY'ATI:

Ulug'bek INOYATOV

Ulug'bek VAFOYEV

Maqsuda VORISOVA

Qalandar ABDURAHMONOV

Gulliston ANNAQILICHEVA

Muslihiiddin MUHIDDINOV

Olim RAVSHANOV

Toshtemir XUDOYQULOV

Bosh muharrir: Nazira MATYAKUBOVA

MANZILIMIZ: 100029, Toshkent, Mустақиллик майдони 5/3

Телефонлар: (71) 239-12-14

Реклама бўлими: (91) 190-19-49. **E-mail:** uzbovozi@mail.ru

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi

bosmaxonasida chop etildi.

Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Navbatchi: **Ravshan SHODIYEV**

Г — 337. 1870 nusxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni —

Topshirilgan vaqti — 22:30

1 2 3 4 5 6

Sotuvda kelishilgan narxda